O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 18-yanvar, chorshanba ✸ № 3 (755) ✸ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✸ elektron manzil: hurriyat@doda.uz ✸ www.uzhurriyat.uz

Самарадор ҳамкорлик

Сарҳисоб шуни кўрсатдики, илмий салоҳиятдан самарали фойдаланиб, таълим-тарбия жараёнларини давр талаби асосида ташкил этишда ҳамкорликнинг ўрни беқиёс. Бундай ҳамкорликлар нафақат олий ва ўрта махсус, умумтаълим тизимлари доирасида, балки жамоат ташкилотлари, жумладан, сиёсий партиялар, ОАВ билан олиб борилганда кутилган самараларни беради.

➪ 2-бет

3 йил деганда...



«The Daily Mail» нашрининг ёзишича, ўғрилик иккинчи уринишда ниҳоясига етказилган. Жиноятчилар ер ости йўлини 2007 йилда қазишни бошлашган, аммо бундан монтажчилар гуруҳи хабар топишган. Бир неча йил ўтгач эса, ўғрилар қазиш ишларини банкоматгача давом эттириб қўйишган.

➪ 5-бет

Ернинг манзили

Бизнинг планетамиз — Ер осмонда тунда чарақлайдиган минглаб юлдузларнинг вакили ҳисобланмиш Қуёш атрофида, ундан ўртача 150 миллион километрли масофада айланади. Айланиш тезлиги секундига қарийб 30 километрни ташкил қилади ва бир йилда салкам бир миллиард километрга яқин йўлни босиб ўтиб, Қуёш атрофида бир марта тўла айланишни ҳосил этади.

➪ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

✸ **10 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Пак Хи Тэни қабул қилди.**

Оқсаройдаги учрашув чоғида Ўзбекистон - Жанубий Корея муносабатларининг истиқболли йўналишлари бўйича атрофлича фикр алмашилди.

✸ 13 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида”ги қарори матбуотда эълон қилинди.

✸ **13 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги ва Ватан Ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонга имзо чекди.**

✸ 10 январь куни мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Пак Хи Тэ раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмуҳамедова билан учрашди.

«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

✔ Фаолиятга бир назар

Ёшлар — қўш қанотимиз

Мустақиллигимиз тарихида халқимиз эришган улкан марралар қаторида шундай буюк бир ютуқ борки, унинг аҳамиятини ўлчаб, баҳолаб бўлмайди. Бу — замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, буюк келажагимизни яратишда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш учун муҳим қадамлар қўйилаётганидир.

Юртбошимизнинг ёшларга қарата: “Азиз болаларим, Оллоҳнинг назари тушган, Ўзбекистон деб аталмиш гўзал ва бетакрор ўлкада туғилиш, унинг бағрида камол топиш ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Ана шу ҳақиқат ҳар биringизнинг қалбингиздан, юрагингиздан чуқур жой олишини истардим. Ватан севгиси, Ватанга садоқат туйғуси сизларга умрбод ёр бўлсин”, деб қилган даъвати уларнинг қалбида акс-садо бериб тургани амалда ўз ифодасини топмоқда. Буни санъат, илм-фан ва бошқа кўплаб соҳаларда ўз салоҳиятини, теран билимини, юксак маҳоратини, метин иродаси ва ақл-заковатини намойиш этиб, халқимиз, Ватанимиз довруғини дунёга таратаётган Рустам Қосимжонов, Равшан Эрматов, Ришод Собиров, Абдулла Тангриев каби ёшларнинг эришаётган улкан ютуқларида кўришимиз мумкин.

3 »

Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганлигининг 20 йиллигига

АЛЕКСАНДРНИНГ ОРЗУЛАРИ

Тинчлик, бирдамлик, тотувлик ва меҳр-оқибат бор жойда тараққиёт ва юксалиш бўлади.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, миллий истиқлол ғояларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни жисмонан ва маънан баркамол инсонлар этиб вояга етказиш мақсади мужассамдир.

Юртимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳилликда яшаб, мамлакатимиз тараққиёти йўлида меҳнат қилмоқда. Спорт соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритаётган, халқаро майдонларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган спортчиларимиз орасида турли миллатга мансуб йигит-қизлар бор. Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ туманида яшовчи ўн беш ёшли Александр Хен ҳам келажакда халқаро ареналарда мамлакатимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишни ўз олдига олий мақсад қилиб қўйган.

— Ҳар бир ота-она ўз фарзандини соғ-саломат, одобли ва билимли бўлиб улғайишини орзу қилади, — дейди Александрнинг отаси Юрий Хен. — Ўғлим уч йилдан буён ўзбек жанг санъати сир-асрорларини ўрганаётганидан фахрланаман. Ватанимиз Ўзбекистон тарихи, миллий қадриятлари, маънавий меросини юксак қадрлаш ва асраб-авайлаш шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг шарафли бурчидир.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган навқирон авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бири сифатида спортни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор улкан самаралар бермоқда. Бугун жисмоний тарбия ва спорт ёш авлоднинг доимий ҳамроҳига айланди. Айниқса, ўғил-қизларимизнинг буюк аждодларимиздан мерос, авлоддан-авлодга ўтиб, тобора сайқалланаётган кураш, белбоғли кураш, ўзбек жанг санъати, улоқ-кўпкари каби миллий спорт турлари ва ўйинларни катта қизиқиш билан ўзлаштираётгани қувонарлидир.

2 »

Фарғона вилоятида етти миллий-маданий марказ фаолият кўрсатмоқда. Немис миллий-маданий маркази шулар жумласидандир.



Марказда миллий байрам ва маданий тадбирларни юқори савияда ўтказиш учун барча шароит яратилган. "Биз — бир оила фарзандларимиз" шиори остида фестиваль, концерт ва ижодий учрашувлар ташкил этиш анъанага айланган. Бу ерда фаолият юритаётган немис тилини ўрганиш, вокал, театр, амалий ва тасвирий санъат йўналишидаги тўгаракларда ўнлаб ёшлар ўз билим ва малакасини оширмоқда. Марказ қошидаги кутубхонада кўплаб нодир адабиётлар жамланган.

Суратда: Фарғона вилоятидаги немис миллий-маданий маркази қошидаги тўгарак аъзолари (чапдан) Мария Чижовкина, Артём Яйков ва Лола Мирзаева.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

Таҳлил

ЕР ОСТИ НЕЪМАТЛАРИ ҲАМ БОЙЛИГИМИЗ

Одамзотда ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлган неъматларни излаб топиш инстинкти пайдо бўлгандан буён ўтган давр мобайнида тараққиёт оламшумул босқичларга гувоҳ бўлди. Аммо ривожланиш юксалгани сари эҳтиёж ҳам орта борди. Бугун ҳам шундай.

Инсоният талаб ва эҳтиёжлари она табиат, она замин бойликларига чамбарчас боғлиқ. Улардан тежаб-тергаб фойдаланиш, келажак авлодлар учун ҳам зарур бўладиган неъматларни сақлаш эндиликда дунё миқёсидаги долзарб масалага айланди. Айниқса, минерал хомашёга бўлган эҳтиёжларни қондириш учун зарур қазилма ишларини бехатар амалга оширишни таъминлаш, шунингдек, бу мураккаб иш билан банд бўладиган фуқароларнинг ҳуқуқларини, шахс, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилишда ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш устувор аҳамият касб этмоқда. Зеро, қабул қилинаётган қонунларнинг ҳар томонлама пухта ишланиб, такомилига етказилиши, ҳеч шубҳасиз, инсон манфаатларига хизмат қилади.

Шу ўринда, мамлакатимиз ҳудудида таркибида юздан ортиқ минерал хомашёлар бўлган фойдали қазилмалар мавжудлигини, улардан олтмиш тури бугун халқ хўжалигида кенг ишлатилаётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ўзбекистон олтин, уран, мис, табиий газ, вольфрам, калий тузи, фосфорит, каолин каби фойдали қазилмалар захираси бўйича нафақат МДҲда, балки жаҳонда етакчи давлатлардан бири ҳисобланади. Хусусан, олтин захираси бўйича дунёда тўртинчи, уни қазиб олиш бўйича еттинчи, мис захираси бўйича ўнинчи ўринни эгаллайди.

Албатта, юқорида кўрсатилган табиий ресурсларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва тасарруф этишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш учун бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш — замон талабларидан биридир.

Маълумки, 2011 йил 2 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорни қабул қилишдан кўзланган мақсад Ўзбекистон Республикасининг "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳамда норуда фойдали қазилмалар мавжуд бўлган ер қаъри участкаларидан омилкорлик билан, оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаб берадиган таъсирчан ҳуқуқий механизмни яратишдан иборатдир.

Қарорнинг учинчи бандига мувофиқ, "Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисида"ги ҳамда "Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақ

Ёшлар — қўш қанотимиз

(Боши 1-бетда.)

Вазифаси мамлакатимиз ёшларини бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишдан иборат бўлган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшларнинг жамиятда ўз ўринларини топиш, ҳақ-ҳуқуқларини тезроқ таниб фаол турмуш тарзига эга бўлишлари учун бор имкониятлардан фойдаланмоқда. Чунончи, давлатимиз раҳбари илгари сурган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" юзасидан олий таълим муассасалари талабалари иштирокида ўтказилган "Концепция — тараққиётимиз пойдевори" лойиҳаси 200 минг нафардан ортиқ ёшларга Концепциянинг мазмун-моҳиятини, унда белгиланган устувор вазифаларни англаш имконини берди. Концепциядаги устувор вазифалар аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, Ҳаракат томонидан "Концепцияни ўрганиш ойлиги" эълон қилинди. Ушбу тадбир доирасида соҳани яхши билган мутахассислар иштирокида илмий-амалий конференциялар, семинар ва учрашувлар ўтказилиб, улар натижаси бўйича илмий тўпламлар нашр этилди.

Айнан ёшларнинг таклиф ва ташаббуслари юртимизда қабул қилинаётган қонунлар, қонуности меъёрий ҳужжатлар, Давлат дастурлари ва уларнинг ижроси юзасидан амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган 16 мингдан ортиқ тадбирларда ўз аксини топганлиги ва уларда 3 миллионга яқин ўғил-қиз қатнашгани ёшларнинг ижтимоий фаолияти кўлами кенгайиб бораётганидан нишонадир. Жумладан, бевосита ёшлар ташаббуси билан ўтказилган "Мен сайловга тайёрман", "Ҳуқуқий тарғибот поезди", "Конституция – бахтимиз пойдевори" каби лойиҳалар бу борада кутилган самарани берди.

"Ҳарбий спорт-соғломлаштириш оромгоҳи" лойиҳасидан кўзланган мақсад вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда бунинг натижаси сифатида профилактик ҳисобдан чиқаришга кўмаклашишдан иборат. Ушбу лойиҳага сўнгги 5 йил мобайнида профилактик ҳисобда турувчи 5650 нафар вояга етмаганлар жалб этилди ва улардан хулқи ижобий томонга ўзгарган 1,5 минг нафар ёшлар профилактик ҳисобдан чиқарилди. Бундан ташқари, жазони ўташ жойларидан қайтган ёшларга паспорт олиш, яшаш жойида рўйхатдан ўтиш, ишга жойлашиш, оиласини тиклаш каби ҳаётий муаммоларини ечишларида амалий ёрдам кўрсатилди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" шиори остида ёшлар фестивали катта кўтаринкилик билан ўтказилди. Ушбу фестиваль доирасида ташкил қилинган "Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти", "Ватан – менинг ғурурим", "Сиз кутган меҳмон", "Шараф дақиқаси", "Биз – ёшлар соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз", "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин", "Ватан манфаати улуғ ва муқаддас" каби лойиҳа ва акцияларда ҳар бир туман, шаҳардаги таълим муассасалари, маҳаллалар, меҳнат жамоалари, ҳарбий қисмларда тарғибот гуруҳи аъзолари томонидан қатор тадбирлар уюштирилди. Бу тарғибот-ташвиқот тадбирларида ёшларнинг ўзлигини англаш, жамиятдаги ўрнини ҳис этиш, оила масъулияти, ота-онага ҳурмат ва пировардида ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга алоҳида урғу берилди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятида жамоат ташкилотларининг кўмаги сезиларли самара беряпти. Мисол тариқасида Ўзбекистон Экологик ҳаракати билан ҳамкорликда "Она табиатни асраш йўлида" деб номланган таҳлилий фильм ишлаб чиқилганини ва у барча ҳудудларда кенг жамоатчилик оммасига тақдим этилганини айтиб ўтиш мумкин.

Мамлакатимизда ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий касб-ҳунарларни эгаллашга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка кенгроқ жалб этиш бош масалалардан биридир. Бу масъулиятли вазифага "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ўзига хос ёндашди. Бир неча йил давомида Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълим маркази; Халқ таълими ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари билан ҳамкорликда мактаб битирувчиларини коллеж ва академик лицейлардаги мутахассисликлар билан яқиндан таништириш, уларнинг касб танлашларига кўмаклашиш мақсадида республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида "Мутахассислик – сенинг келажагинг" кўргазмаси ўтказиб келинмоқда. Кўргазмага ўтган йили 463452 нафар мактаб битирувчилари жалб қилинди. Меҳнат ярмаркаларида эса 17 мингдан зиёд коллеж битирувчиларига ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

2011 йилда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб қилиш, уларда тадбиркорлик тушунчаларини шакллантириш мақсадида "Менинг бизнес ғоям" танлови ташкил қилинди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, "Микрокредитбанк", "Ипотекабанк", "Қишлоққурилишбанк" ва "Агробанк" билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур танловда 22 минг нафардан зиёд ёшлар иштирок этди. Танловда ғолибликни қўлга киритган 301 нафар иштирокчига тижорат банкларидан имтиёзли фоизларда 800 миллион сўмдан зиёд микрокредитлар ажратилишига кўмаклашилганлиги диққатга сазовор. Шунингдек, ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, кичик бизнесни ривожлантириш учун яратилаётган имкониятларни улар орасида кенг тарғиб этиш мақсадида 2008 йилдан "Ёш тадбиркор – юртга мададкор", 2009 йилдан "Ёш тадбиркор камолоти – қишлоқ тараққиёти кафолати", 2011 йилдан "Ёш тадбиркор – келажакка пойдевор" лойиҳалари муваффақиятли ўтказиб келинмоқда. Бу лойиҳаларнинг аҳамияти шундаки, иштирокчилар тадбиркорлик масъулияти ҳақидаги тушунчаларга эга бўлибгина қолмай, ўзлари ҳам соҳага киришиб кетадилар. Масалан, ўтган йили ўтказилган "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" лойиҳасида 1452 нафар ўғил-қиз ишчи гуруҳлари тавсияномаларига асосан 4,2 миллиард сўм миқдорида имтиёзли фоизларда микрокредитлар олишга эришди. Шу ўринда, танловнинг республика босқичида ғолиб чиққан 27 нафар ёш тадбиркорларнинг ғояларини қўллаб-қувватлаш мақсадида кредит фоиз ставкалари Ҳаракат томонидан тўлаб берилганини алоҳида қайд этиш ўринлидир. Умуман олганда, лойиҳалар доирасида 2008-2011 йиллар давомида 4994 нафар ёшларнинг 12,1 миллиард сўм микрокредит олишига амалий ёрдам кўрсатилди.

Албатта, ташкил этилаётган тадбирлар, амалий машғулотлар, суҳбатлар ва учрашувларнинг самарали бўлишига катта умид боғлаган ҳолда, ҳаётдаги реал муаммоларни ҳам ўрганиш, имкони борича юксак даражада мақсадга эришиш учун уларни эътибордан қочирмаслик катта масъулият юклайди. Шу мақсадда республикамиздаги олий таълим муассасалари ҳамда Ҳаракатнинг туман (шаҳар) бўлими кенгашлари қошида "Бунёдкор" ёшлар меҳнат ҳаракати" лойиҳаси йўлга қўйилди. Натижада 2007-2010 йилларда жами 63884 нафар талаба-ёш мавсумий ишларга жалб этилди. 2007 йилга нисбатан ўтган йилда ушбу меҳнат ҳаракатига жалб қилинган ёшлар сони қарийб 2,3 баробар ортди. Яъни 2011 йилда "Бунёдкор" ёшлар меҳнат ҳаракатига республика бўйича 35535 нафардан ортиқ ёшлар жалб этилди, уларнинг 25490 нафарини ўқувчи-талабалар, 10045 нафарини маҳаллалардаги вақтинчалик ишсиз ёшлар ташкил этди.



Ёшларни қобилиятларига яраша иш билан таъминлаш, ўзларини жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ҳис этишларига кўмаклашиш, турмуш фаровонлигини ошириш-га имконият яратиш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан жойларда меҳнат ярмаркаларини ўтказиш изчил йўлга қўйилганлиги натижасида 2007-2011 йиллар давомида 240130 нафар ёш иш билан таъминланди. Шунингдек, ўзини ўзи бошқариш органлари орқали 9750 нафар кам таъминланган оила фарзандлари, имконияти чекланган болалар, вояга етмаганлар нозирлиги ҳисобида турган ўсмирларга бепул дарслик ва китоблар, ўқув қуроллари, кийим-кечак, спорт анжомлари, ёзги дам олиш оромгоҳларига бепул ёки имтиёзли нархдаги йўлланмалар олиб берилди.

Айни пайтда консультатив марказлар фаолиятини нафақат вилоят марказларида, балки барча туманларда йўлга қўйиш, чекка ҳудудлардаги ёшларни тадбиркорлик фаолиятини юритишга ўқитиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, тижорат банкларидан имтиёзли кредитлар олиш ва тадбиркорлик фаолиятида дуч келаётган бошқа муаммолар ечимини топишга кўмаклашиш истиқболдаги вазифалардандир. Худди шунингдек, келгусида маҳаллалардаги ишсиз ёшларни ҳудуддаги ижтимоий соҳа қурилиш объектларига ҳамда аҳолининг кичик қурилиш ишларига жалб қилиш, меҳнат отрядлари ишини янада ривожлантириш, ёшларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий ҳимоялашни ташкил қилиш мақсадида ишлаб чиқилаётган қатор лойиҳалар ҳам борки, уларни ҳамжиҳатлик билан ҳаётга татбиқ этиш ўз самарасини беради, албатта.

Бундан ташқари, касб-ҳунар коллежлари битирувчиси, таълим муассасаси ҳамда иш берувчи ўртасида тузиладиган уч томонлама шартномалар асосида битирувчиларнинг ишга жойлашиши юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, ҳаётга катта орзу-умид билан қадам қўяётган ёшларни, айниқса, қишлоқ жойларида яшайдиган қизларни касб-ҳунарга ўргатиш, иш билан таъминлаш, шу билан бирга, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадли ва аниқ таклифлар ишлаб чиқиш орқали ёш оилаларнинг мустаҳкамлигини амалда таъминлаш каби вазифалар ҳам белгилаб олинганки, буларнинг барчаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ўз фаолияти давомида тобора ҳаёт қатламларига кириб бораётганидан далолатдир.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш масаласига ўз фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратмоқда. Сўнгги беш йил давомида ушбу дастурий вазифа ижросини таъминлашга қаратилган 20 тадан ортиқ лойиҳалар ташкил этилиб, уларда 520 минг нафардан ортиқ ёшлар қамраб олингани сўзимиз тасдиғидир. Хусусан. "Камолот" таълим гранти" ва "Камолот" стипендияси" лойиҳалари ташкил этилиб, улар доирасида 140 дан ортиқ иқтидорли ёшлар рағбатлантирилганлиги диққатга сазовор.

Замонавий фан-техника ютуқлари билан боғлиқ истиқболли мавзулар бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган ёш олимлар, мутахассисларни молиявий қўллаб-қувватлаш, пировардида, мамлакат тараққиётига хизмат қилиши шубҳасиз. Шу маънода, Ҳаракат томонидан "Ёш олимлар" стипендиясининг таъсис этилгани ёшларнинг ўз илмий салоҳиятини намоён этишларида муҳим омил бўлмоқда. Талаба-ёшларни мамлакатимиз тараққиёти йўлида бирлаштириш, иқтидорини қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида илмий-ижодий ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтиришга қаратилган туркум лойиҳалар эса ўз ечимини кутмоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт, ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш Ҳаракатнинг фаолият мезонларидан кенг ўрин олган. Айниқса, спортчи қизларни соҳага кенг жалб қилиш мақсадида стол тенниси бўйича "Камолот" маликаси", енгил атлетика бўйича "Баҳор маликалари", 14-16 ёшли қизлар ўртасида бадиий гимнастика бўйича "Камолот" ғунчалари", бадминтон, қўл тўпи, волейбол, баскетбол, футбол бўйича "Камолот" кубоги" мусобақалари мунтазам ташкил этиб келинаётганини таъкидлаш зарур. Ушбу мусобақаларнинг ҳар бирида йилига 10 минг нафарга яқин ёшлар қамраб олинаётганлиги алоҳида эътирофга молик.

Ёшларнинг интеллектуал қобилиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида "Камолот" шахмат тахтаси" турнири Юлдуз Ҳамроқулова, Сарвиноз Қурбонбоева каби иқтидор эгаларини жаҳон чемпионатлари сари илҳомлантирди. Улар қитъа чемпиони унвонига ҳам сазовор бўлгани ёшларимиз қалбида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотиш баробарида, катта ишонч уйғота олди.

Ёшлар ўртасида велоспорт тури ҳам тобора оммавийлашиб бормоқда. "Камолот"-Tur" миллий ёшлар веломарафони бунга ёрқин мисол бўла олади. Ўтган йили марафон иштирокчиларининг сафи салкам 6 минг нафарга етди.

Ёшларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига кенг жалб этиш мақсадида Ҳаракатнинг ҳудудий кенгашлари қошида ташкил қилинган "Ёшлар ижтимоий хизматлари" марказларида 12 турдаги спорт тўгараклари очилган. Ушбу тўгаракларга 2011 йилнинг ўзида 7371 нафар ёшлар жалб қилинди. Қувонарлиси, мамлакатимизнинг чекка туманларида ҳам спорт билан шуғулланаётган ёшлар сафи тобора кенгаймоқда.

Ёшларнинг хорижлик тенгдошлари билан тажриба алмашишлари ҳам яхши самара бермоқда. Миср Араб Республикаси, Азербайжан Республикаси, Жанубий Корея, Австрия, Германия ва бошқа бир қатор хорижий давлатлар билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Ана шу ҳамкорлик самараси ўлароқ, 70 га яқин ёшларимиз хориж мамлакатларида ўтказилган анжуман ва фестивалларда иштирок этишди.

Ёшлар ҳаётига оид устувор йўналишлар бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш ва ушбу йўналишларда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан бошқа давлат ёшларини яқиндан таништириш мақсадида 4 та халқаро анжуман, 10 дан зиёд давра суҳбатлари, 10 га яқин кўрик-танлов ва кўргазмалар ўтказилди. Турли халқаро ташкилот ва дипломатик корпус вакилларининг Ҳаракат мутасаддилари билан 50 дан зиёд учрашувлари, ҳамкорликдаги лойиҳа ва тадбирлари ташкил этилди. Бу тадбирларни ўтказишдан мақсад мамлакатимиз ёшларининг хориждаги тенгдошлари ҳаётини ўрганиш, дунё талаблари даражасида билим ва малакага эга бўлиш, тенглар ичра тенг фаолият кўрсатишларига имконият яратишдан иборат.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ўз фаолияти кўламининг ранг-баранглиги билан келажак авлод қалбидан чуқур жой олишга, улар билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлиб, қувончу ташвишларини яқиндан ҳис этиб, уларнинг ҳақиқий ёрдамчисига, маслаҳатгўйига, маслакдошига айланиши, ёшларнинг ўй-фикрлари, орзу-умидларига йўл очиб, уларнинг ҳаётий манфаатларини қатъият билан ҳимоя этишга қатъий бел боғлаган.

Ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни тўғри йўлга солиш, айрим хатарли сўқмоқлардан беталафот олиб чиқиш катта умид ва ишонч билан камолот сари етаклаган ёш авлодимизни халқимиз кўзлаган улуғ мақсадлар сари йўллаш — барчамизнинг, ҳар биримизнинг, «Камолот» фаоллари ва фидойиларининг ҳам бурчидир.

Мақола «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Матбуот маркази билан ҳамкорликда тайёрланди.

Руҳият

ТАСАЛЛИ БЕРА ОЛИНГ

Доно халқимиз «Беморга малҳамдек ҳаёт бағишла, чорасиз қолгунча нажот бағишла», деган нақлни бежизга айтмаган. Бинобарин, касаллик билан курашаётган бемор учун дори-дармон, парвариш билан бирга эътибор, ширин сўз, ғамхўрлик ҳам жуда зарур.

Онкологик касалликлар ташқи аломатлар билан чекланмай, беморнинг ўз касаллигига ошкора ёхуд яширин муносабатини ҳам қамраб олади. Бунда жисмоний азоб билан бирга маънавий, руҳий эзилиш қоришиб кетиши мумкин. Бу эса яхлит кўринишда намоён бўлади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, беморларда ташқи таъсирга жавоб бера олиш қобилиятидан тортиб айрим ҳолларда руҳий тушкунлик даражасигача етиб борувчи деярли барча умидлар сўниши кузатилади. Стресс омилларига нафақат хавфли ўсимтанинг мавжудлиги, балки бўлажак операция, унинг жисмоний ёки маънавий шикаст етказиши мумкин бўлган оқибатлари, буткул сағайиб кетишга кафолатнинг йўқлиги ҳақидаги ва бошқа ўйлаётган ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

«Саратон» сўзининг ўзиёқ беморнинг кейинги ҳаётини буткул азоб-уқубатга айлантирадиган ва фожиавий якун топадиган касаллик деб тушунилади. Бироқ руҳий таъсирланишнинг намоён бўлиш даражаси беморларда турлича кечади. Тиббиёт ходимидан ўзида онкологик хасталикка чалинганлик эҳтимоли борлиги ҳақидаги хабарни илк бор эшитган одамнинг ҳолати Е.Коблер-Росснинг касалликка оид қўлланмаларида шундай ифодаланган. Яъни, аксарият беморлар руҳий таъсирланишнинг бешта асосий босқичини бошдан кечириши аниқланган: биринчиси — инкор этиш ёки шок ҳолати, иккинчиси — ғазаб, учинчиси — «савдо», тўртинчиси — депрессия ва бешинчи босқич — қабул қилиш.

Биринчи босқичда одам ўзида бедаво яширин касаллик борлигига ишонмайди. У дастлаб умид илинжида бир мутахассисдан бошқасига мурожаат қилиб, олинган барча ташхис натижаларини турли клиникаларда қайта-қайта текширтиради. Бунинг акси ҳам кузатилиши, кучли шок ҳолатига тушган бемор шифохонага мурожаат этишдан буткул бош тортиши ҳам мумкин.

Иккинчи босқич шифокорлар, жамият ва қариндош-уруғларга қаратилган кучли ҳиссий муносабат билан ифодаланади.

Учинчи босқич турли тиббиёт масканларида ҳаёт давомийлигини имкон қадар узайтириш, қўшимча кунларни «ундириш», «савдолашиш»га уриниш ҳаракатидир.

Тўртинчи босқичда одам бошига тушган вазиятнинг нақадар оғир эканини англайди. Натижада барчасига қўл силтаб, курашишдан воз кечади, дўстлари, яқинларидан ўзини олиб қочади, кундалик юмушларни тарк этади ва уйда ёлғиз қамалиб, аянчли тақдири учун кўз ёш қилади.

Бешинчи босқич энг мақбул руҳий муносабатдир. Бироқ унгача ҳар ким ҳам етиб кела олмайди. Ушбу босқичда бемор касалликка қарамай бор кучини жамиятга, яқинларига нафи тегадиган тарзда яшаш учун сафарбар этади.

Юқорида санаб ўтилган босқичлар ҳар доим ҳам кўрсатилган тартибда кузатилавермайди. Бемор маълум босқичда тўхташи ва ҳатто аввалги босқичлардан бирига яна қайтиши мумкин. Касаллик билан тўқнаш келган инсон руҳиятида рўй бераётган кечинмаларни тўғри тушуниш ва мос равишда унга руҳий кўмак кўрсатиш учун ушбу босқичларни билиш зарур.

Бемор олдида ниҳоятда мураккаб бўлган кучли ҳиссий зарбани енга олиш, дастлаб касалликка мослашиш даврида, сўнг реконвалецент (касалликдан фориғ бўлиш учун даволанаётган бемор) сифатида кўп сонли психологик муаммоларни ҳал этишга тайёрланиш вазифаси туради. Баъзан жарроҳлик муолажалари ва бошқа даво усулларидан ташкил топган даволаш жараёни аксарият ҳолларда беморни ўзига хос «руҳий бўшлиқ»да якка ўзини қолдиради.

Клиник амалиёт тажрибаси шуни кўрсатадики, беморларнинг кўпчилиги юзага келган ҳиссий қийинчиликларни енгишнинг уддасидан чиқади. Хавотир, безовталик, қўрқув, депрессия каби турли ҳолатларни бошдан кечириб, ниҳоят у ёки бу даражада кўникма ҳосил қилади. Бироқ ҳар бир бемор ҳам мустақил тарзда руҳий мувозанатни тиклашнинг ўзи учун мос тизимини ҳосил қила олишга қодир эмас. Айнан улар онкологик касалликка чалинган беморлар билан мулоқот қилиш масалаларига ихтисослашган шифокор ва психологлар томонидан кўрсатиладиган руҳий мададга ниҳоятда муҳтож бўлади.

Дарвоқе, шу ўринда онкологик беморлар оила аъзоларининг руҳий ҳолати ҳақида. Беморнинг даволаш муолажаларини давом эттиришга тайёрлиги, унинг умидворлиги, ўз имкониятларига ишонишишонмаслиги айнан уларга боғлиқ. Чорасизлик, яқин кишисига ёрдам бера олмаслик ҳолати қариндошларнинг ўзига нисбатан ўзгача муносабатни ҳис этаётган беморлардан руҳий узоқлашишига олиб келади. Кўп ҳолларда оила аъзолари беморга ҳаддан зиёд ғамхўрлик қилиб, ўзлари ҳам эътибор, кўникмага муҳтож бўлиб қолишади. Улар вужудга келган вазият қаршисида ожизлиги туфайли яшириш қийин бўлган ғазаб туйғусини ҳис этишади. Одатда, бунинг ортида касаллик нотўғри амаллар эвазига берилган жазо, деб қабул қилиш натижасидаги айбдорлик ҳисси ётади. Бундай ҳолатларда беморнинг яқинларига психотерапевт ва психолог ёрдами талаб этилади.

Келтирилган ҳолатларни ҳисобга оладиган бўлсак, онкологик хизмат шифокорларининг психотерапевтик тайёргарлиги жуда муҳим. Қолаверса, онкологик касалликларнинг кенг тарқалгани, кишилар ҳаётига жиддий таъсири ва унинг оқибатида ўлим даражасининг юқорилиги онколог мутахассисларни тайёрлашда кенг қамровли ёндашув зарурлигини кўрсатади.

Онкологик беморлар ва уларнинг оила аъзоларида ўз вақтида аниқланган руҳий мувозанат бузилишларини тиклаш бемор ҳаётини енгиллаштиради. Айрим ҳолларда эса онкологик клиникада терапиянинг бошқа усуллари қаторида даво таъсирига ҳам эга бўлади. Бу масалада, айниқса, оилавий шифокорларни тайёрлашга катта умид билдириш мумкин. Зеро, нафақат бемор, балки унинг оила аъзоларининг ҳам саломатлигини кўрикдан ўтказиш ва мавжуд касалликларни даволаш бевосита уларнинг ваколатига киради. Бу ҳолда онкологик беморлардаги руҳий бузилиш хилма-хиллиги муаммоси ўқув жараёнига «оилавий шифокор» мутахассислигининг методик ишланмаларини киритиш, мавзу бўйича машғулотлар ва кўрсатилган масалаларга доир лекция курслари, шунингдек, консультатив психотерапевтик ёрдам курсларини жорий этиш йўли билан ҳал этиш мумкин.

Юлдуз НОРМЕТОВА,
ЎзМУ тадқиқотчиси

Навоий шаҳрида «Оммавий ахборот воситалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш уларнинг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги мавқеини мустаҳкамлаш омили» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир

МАТБУОТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Навоий ҳудудий бўлинмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоят оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, матбуот ва ахборот соҳаси ходимлари иштирок этди.

Давра суҳбатида Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида ҳам муҳим вазифалар белгилаб берилгани ва бу йўналишда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ахборот соҳаси ривожига, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтиришга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган “Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида”ги қарори миллий матбуотимиз ва журналистика соҳаси ривожига бўлган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги яна бир намунаси бўлди.

Ушбу қарорга мувофиқ, 2012 йилнинг 1 январидан оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ва нашриётлар ижтимоий-сиёсий ҳамда болалар адабиётини, имкониятлари чекланган шахслар (кўзи ожизлар, кар-соқовлар ва бошқалар) учун адабиётларни сотишдан олинган фойдадан фойда солиғини ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан беш йил муддатга озод этилди.

— Босмахонамизда вилоятда фаолият кўрсатаётган 30 дан ортиқ нашрлар, шунингдек, Бухоро ва Самарқанд вилоятларидаги ўндан зиёд газеталар чоп этилмоқда, — дейди Навоий вилоятидаги “Дўстлик байроғи” ва “Знамя дружбы” газеталари таҳририяти давлат корхонаси раҳбари Ольга Сашина. — Бундан ташқари, афишалар, буклетлар, таклифномалар, иш ҳужжатлари, китоблар нашр қилиш каби бир неча хизматларни йўлга қўйганмиз. Давлатимиз раҳбарининг юқорида номи зикр этилган қарорига асосан берилган имтиёзлар фаолиятимиз ривожига, корхонамиз моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ходимларимиз моддий манфаатдорлигини оширишга хизмат қилади.

Давра суҳбати иштирокчилари оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир қонунлар лойиҳалари бўйича ўз фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифларини билдирди.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири

Илғор тажриба

Тажриба шуни кўрсатадики газетанинг ўқишлиги, мавзулар ва жанрлар ранг-баранглиги, ҳаётийлиги фикрлар турли-туманлигига боғлиқ экан. Фикр эса ҳар кимда ҳар хил. Бу таҳририят ижодий жамоаси атрофида жамоатчи мухбирлар қанча кўп уюшса, унинг оммабоплиги ҳам шунча ортади, дегани.

Оммавийлик сири

Аммо ўринли савол туғилади: хўш, туманлар шароитида жамоатчи мухбирлар, қолаверса, ижодкорлар фаоллигини қандай ошириш мумкин? Назаримда, бу аввало таҳририятга келаётган хатларга эътибор беришдан бошланади. Бизда худди шундай. Таҳририятимизга йўлланган ҳар бир мактуб атрофлича ўрганиб чиқилади. Бунда ҳатто хатнинг газетанинг қайси сонига кетиши, ишлашда нималарга эътибор берилишигача муносабат билдирилади. Зарур бўлганда кўтарилган мавзу таҳририят ходими томонидан қўшимча ўрганилади, муаллиф фикри тўлдирилади. Бундан ташқари таҳририятга бўлаётган қўнғироқлар, ташрифлар давомида билдириладиган таклиф-мулоҳазалар ҳам ўз ишимизни режалаштиришда ҳисобга олинади. Шу асосда “Хатжилдларни очганда...”, “Хат йўлга чорлади”, “Долзарб мавзу”, “Газетхон нима дейди?”, “Газетхон — газета” рукнлари пайдо бўлди.

Фикрлар ранг-баранглигига эришишнинг яна бир йўли — таҳририят томонидан турли танловларнинг ўтказилишидир. Ҳар йили 4-5, ҳатто 6 мавзуда танловлар ўтказамиз. Масалан, “Мустақиллик — энг олий неъмат”, “Тадбиркор — бунёдкор”, “Фойдали таклиф — юксалишга қанот”, “Онажоним табиат”, “Энг гулзор маҳалла”, “Энг ёш ижодкор” мавзуларида танловлар эълон қилганмиз. Голиблар ва мукофот миқдори ҳар чоракда газетада эълон қилиб борилади.

Таҳририят кўп йилдан буён Навоий, Бухоро, Самарқанд, Тошкент шаҳарларидаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликка эга. Улар тарихий, тиббий, ахлоқий, ҳуқуқий ва бошқа мавзуларда ўқишли мақолалар ёзиб берадилар. Айниқса, Республика Фанлар академиясининг Яҳё Ғуломов номидаги Самарқанд археология институти, Тарих институти, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, Абу Райҳон Беруний номидаги Қўлёзмалар институти, Навоий педагогика институти, Бухоро давлат университети, Бухоро тиббиёт олийгоҳи олимлари билан ҳамкорлигимиз яхши йўлга қўйилган. Ана шу ҳамкорлик жараёнида “Қизилтепа қадимиятидан лавҳалар” ва “Қизилтепа тарихи” китоблари яратилди. Шифокор олим Завқиддин Орзиевнинг саломатликни сақлаш, археолог, шарқшунос ва тарихчи олимлар — Жамолиддин Мирзааҳмедов, Қаҳрамон Ражабов, Маҳмуд Ҳасаний, Ғулом Каримий, таниқли адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул, санъатшунос Мавлуда Юсупова ва ҳуқуқшунос Холмурод Исановларнинг газета-китобча шаклида босилаётган туркум мақолаю рисолалари муштарийларимиз маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилялпти.

Дарвоқе, газета-китобча ҳақида. Бу имкониятдан фойдаланиш натижасида кўп минг сонли газетхонларимиз китоб жавонидан Фаридиддин Атторнинг “Илоҳийнома”, Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарлари, Иброҳим Ҳаққулнинг “Тасаввуф сабоқлари”, Завқиддин Орзиевнинг “Иммунитет. Уни қандай қилиб кўтариш мумкин?”, Мавлуда Юсупованинг “Ванғози маъмурий ёдгорликлари”, Бобораҳим Омоновнинг лотин графикасига асосланган янги ўзбек алифбосини ўрганишга оид “Quvnoq alifbo”, “Bulbulcha”, Маҳмуд Ҳасаний ва Мавжуда Раззоқованинг “Хожагон тариқати ва Хожа Ҳасан Андоқий” каби рисолалари жой олди.

Таниқли олимларнинг газетамиз орқали чиқишлари туман аҳли ўртасида унинг мавқеини оширибгина қолмай, ижодкорлик муҳитининг янада камол топишига кўмак бермоқда. Муаллифларимиз эса 3-синф ўқувчиларидан тортиб то 90 ёшли кексаларгача. Қаламларини таҳририятимизнинг “Навниҳол” тўгарагида қайраган қизларимиз — Муҳаббат Темирова, Хуршида Нарзиева, Назокат Муҳаммедовалар Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлишди. Кекса ижодкорларимиз ҳам ёшлардан қолишаётгани йўқ. Кўплаб китоблар муаллифи Раззоқ Ҳакимий бу йил ўзининг 80 ёши муносабати билан “Саксон ёш армуғони”, Халил Жамилов эса “Эҳсон” асарини нашрдан чиқарди. Манзура Холова, Усмон Ҳайдаров, Эргаш Темиров, Сувон Турдиев каби кекса ижодкорларимиз ҳам шу йилнинг ўзида тўпламларини нашр эттириш бахтига муяссар бўлдилар.

Ҳозирги вақтда таҳририятимизга ўзларининг хабар, мақола, шеър, ҳикоялари билан доимий қатнашувчилар сони юздан ортиқ. Таҳририятга ҳар куни 10-15 та хат келади. Ҳатто бир хатжилд ичида ўндан ортиқ хат ҳам бўлади. Хатлар оқимининг кўплиги ижодий ходимларнинг журналист суриштируви асосида таҳлилий мақолалар тайёрлашига ёрдам беряпти. “Замин дарди”, “Яна замин дарди ҳақида”, “Боғми ёки доғ?”, “Бободеҳқон бормисиз?”, “Истироҳат боғими ёки...”, “Шуҳрат нега сўнди?”, “Сўзбўямачилик”, “Ўзини иш билан таъминлаётганлар” каби сарлавҳалар остида ёритилган мавзулар, шунингдек, фойдали тажрибаларга оид кўплаб мақолалар шулар жумласидан.

Бир сўз билан айтганда, “Қизилтепа тонги” аллақачон ўзининг оммавийлиги билан кўпчилик қалбидан жой олиб улгурган. Унинг нуфузини янада ошириш, биз — таҳририят ходимларидан янада изланиб ишлашни талаб этишини сезиб, шунга мос фаолият юритишга интиляпмиз.

Раҳим МАҚСУДОВ,
“Қизилтепа тонги” газетаси муҳаррири, “Олтин қалам” мукофоти совриндори

Гап сонда эмас, сифатда

Устозларимиз ҳар гал дарсга кирганларида қўлларида камида 4-5 та китоб бўлади. Улар бизга нафақат мавзуга оид адабиётларни, балки соҳага доир фикрларимизни тўлдирадиган, дунёқарашимизни кенгайтирадиган китобларни ҳам ўқишни тавсия этишади. Шу пайтга қадар эътиборимизга ҳавола этилган асарларнинг бирортаси талабаларга манзур бўлмаганини эслай олмайман.

Дарҳақиқат, китоб танлаш, ўқиш ҳам кишидан юксак дид талаб этади. Чунки, инсон кўп китоб ўқиб, ҳеч нарса уқмаслиги ҳам мумкин. Бу ўша асарларда илгари сурилган ғоялар, билдирилган фикрларнинг қай даражада мағзи тўқлиги, бошқача айтганда, китобнинг мазмун-моҳияти билан боғлиқ масала. Шекспирнинг «Гамлет»и, Дантенинг «Илоҳий комедия»си, Албер Камюнинг «Бегона»си, Булгаковнинг «Уста ва Маргарита»си, Маркеснинг «Ёлғизликнинг юз йили» асарлари бутун дунёда севиб ўқиладиган ана шундай асарлар сирасига киради. Йиллар, асрлар ўтса ҳам улар ўз моҳиятини йўқотмайди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Бугун кутубхоналаримиз, китоб дўконлари турли қўлланмалар, рисолалар, дарслик ва бадиий асарлар билан тўла. Аммо дунё адабиётини уммонга менгзасак, улардан «бир томчиси»нигина она тилимизда ўқиш имкониятига эгамиз. Ваҳоланки, Толстой, Тургенев, Гоголь, Чехов, Лермонтов, Достоевский, Жек Лондон асарларининг ҳам ўзбек тилида нашр қилинганига анча бўлган, лекин ҳозир уларни топиш жуда мушкул. Бу ҳам майли, негадир, ўзбек адабиётининг забардаст вакиллари бўлган Шавкат Раҳмон, Рауф Парфи, Мурод Муҳаммад Дўст сингари қатор ёзувчи ва шоирларнинг сайланмалари ҳам ниҳоятда танқис. Ўз-ўзидан аёнки, юқорида номи зикр этилган адибларнинг китоблари ўрнини турли енгил-елпи «асар»лар эгаллаб олаяпти. Бу яқин келажакда китоблар оламидан лаззат туйиш ҳиссининг йўқолишига олиб келиши мумкин.

Адабиётнинг вазифаси — эзгуликка хизмат қилиш. Кутубхона ва китоб дўконларида ана шу долзарб ва улуғвор вазифага хизмат қилувчи асарлар янада кўпайса, бу фақат фойдадан холи бўлмасди. Умид қиламизки, ношир ва таржимонларимиз асарларни нашр этишда бу ҳақда яна бир бор ўйлаб кўришади.

Шаҳрибону ИМОМОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

Инсон ва дарахт

Инсон ҳаётида наботот, хусусан, дарахтлар бемисл аҳамият касб этади. Масалан, қайин руҳий чарчоқни ёзса, каштан ички таранглиқни бартараф этади. Кексаларимиз қўлларини дуога очганларида ёшларга чинорнинг умрини, мажнунтолнинг одобини, зардолининг бардошини, эманнинг мағрурлигини тилайдилар.

Дарахтлар сайёрамиз экологиясида ҳам жуда муҳим роль ўйнайди. Аниқроқ айтганда, улар нафас олишимиз учун керак бўлган кислородни ишлаб чиқаради. Шаҳарлардаги дарахтзорлар бошқа ҳудудларга нисбатан ёзда ҳаво ҳароратини 3-4 даражага пасайтиради. Ҳаво таркибини 85 фоизгача турли хил газ, чанглардан тозалайди, шовқинни 10-12 децибелгача пасайтиради. Бир гектар ўрмондаги дарахтлар 900 килограмм корбонат ангидридни ютиб, 600 килограмм кислородни ҳавога чиқаради. Бир гектар қарағайзор ўрмони бир йилда 30 тоннагача чангни ютади.

Қолаверса, ейдиган таомимиз, киядиган кийимимиз, дори-дармонимиз манбаи ҳам айнан дарахтлардир. Зарур пайтда улардан ёқилғи сифатида ҳам фойдаланамиз. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили 13 миллион гектарга яқин ўрмонзор турли сабабларга кўра йўқ бўлиб кетар экан. Бу жудаям ачинарли ҳолатдир. Шу боис кейинги йилларда бу масалага жиддий эътибор қаратилаётир.

Юртимизда ҳам дарахтларни асраб-авайлаш, кўпайтириш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, куз ва эрта баҳор пайтлари республикамиз бўйича дарахт экиш оммавий тус олаётгани диққатга сазовор. Мисол учун пойтахт шаҳримиз Тошкент кўчаларига, хиёбонларига экилган, айни пайтда атрофни файзиёб этаётган арчаларнинг дилларга қувонч, танимизга эса мусаффо қувват бағишлаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Бундан ташқари, мамлакатимизда 100 ёшли дарахтлар рўйхатга олинган бўлиб, уларга муҳофаза этиладиган табиий ёдгорликлар мақоми берилиши атроф-муҳит масаласи доимий эътибордалигидан далолатдир. Ҳозирги кунда бундай дарахтлар сони 1014 тани ташкил этади.

Маърифат МАВЛОНОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

Ўқув қўлланмаси

“Ўзбек журналистикаси истиқболлари”

Насимхон РАҲМОНОВ

ЎЗБЕК ЖУРНАЛИСТИКАСИ ИСТИҚБОЛЛАРИ: изланишлар самараси

Бугун мамлакатимизда етук журналист кадрлар тайёрлашга ҳар қачонгидан ҳам эътибор кучайган. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ҳар йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни муносабати билан соҳа ходимларига йўллаган табрик хатларида бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, ёш журналистларни тайёрлаш тизимини тубдан ўзгартириш, журналистик таълимга ихтисослашган олий ўқув юртларининг ўқув-методик базасини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, катта маҳорат ва ижодий тажрибага эга бўлган мутахассисларни, илғор педагогик технологияларни таълим жараёнига жалб этиш юзасидан соҳага оид муҳим йўналишларни белгилаб беради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида малакали кадрлар тайёрлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Факультет декани, профессор Насимхон Раҳмоновнинг “Ўзбек журналистикаси истиқболлари: изланишлар самараси” рисоласи ана шу хайрли ишларнинг ўзига хос сарҳисоби бўлди, дейиш мумкин. 2011 йил поёнида ЎзМУ нашриёти томонидан чоп этилиб, янги йилнинг илк кунларида китобхонлар қўлига теккан мўъжазгина рисолада мазкур ўқув даргоҳида сўнгги йилларда қилинган ишлар таҳлил этилади.

Айтиш жоизки, замонавий ахборот технологиялари бекиёс даражада ривожланиб, дунё ягона ахборот маконига айланган ҳозирги даврда мамлакатимизда етук журналист кадрлар тайёрлаш вазифаси профессор-ўқитувчилар зиммасига улкан масъулият юклайди. Муаллиф “Интернет журналистикаси назарияси ва амалиёти” кафедраси қошида 2010 йил сентябрь ойидан ижодий лаборатория ташкил этилгани, бундан мақсад талабаларни сўнгги ахборот коммуникация технологиялари ютуқларидан бохабар этиш, бўлғуси журналистларнинг ахборот коммуникация технологиялари билан ишлашдаги билим ва кўникмаларини ошириш экани, амалиёт дарслари ЎзА, Туркистон-пресс, ZiyoNet каби электрон нашрлар фаолияти такомиллашган муассасаларда ўтилаётгани ва бу борада тўпланаётган тажрибалар ҳақида таҳлилий фикрларини баён этган.

“Ҳақиқий истеъдод соҳиблари керак!”, “Маҳорат сирларини ўрганиб...” сарлавҳали мақолаларда етук кадрлар тайёрлашда амалиётнинг ўрни нечоғли муҳимлигига эътибор қаратилади. Сўнгги бир йил мобайнида журналистика факультетида амалиётни ривожлантириш борасида қатор вазифалар амалга оширилиб, айни пайтда радиостудия, телестудия, фотостудия, “Журналист” ўқув газетаси фаолияти анча жонлангани қайд этилади. “Амалиётни ўтаб қайтган талаба ўзининг нимага қодирлигини ёки ожиз томонларини сезади. Албатта, талабанинг ижодий фикрлаши, маҳоратини ошириш жараёни аудиторияда, ўқитувчи ёрдамида амалга оширилади. Бу “икки карра икки — тўрт”дек гап, — деб ёзади муаллиф. — Талабанинг изланиши учун пойдеворни мустаҳкам қилиш керак”.

Рисоладан ўрин олган “Ўзбекистонда ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашнинг ёрқин йўли” сарлавҳали мақолада “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Телекоммуникациялар тўғрисида”, “Реклама тўғрисида”, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар моҳияти ва амалиёти, шунингдек, “Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида”ги қонунларни қабул қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, “Конституция ва ОАВ”, “Илм англашни талаб этади”, “Журналистлик — масъулият, истеъдод ва қобилият мужассамлашувидир”, “Ўзбек журналистикаси мустақиллик йилларида”, “Журналистика ривожи — замон талаби”, “Ахборот хизмати” сарлавҳали мақолаларда муаллиф муносиб журналист кадрлар тайёрлаш борасида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар, шу кунга қадар қилинган ишлар ҳақида таҳлилий фикр юритади.

Рисолага шартли равишда “1-фасл” деб қўйилган. Умид қиламизки, келгусида унинг навбатдаги фасллари журналистика факультетида амалга оширилажак хайрли ишлар ҳақидаги мулоҳазалар билан маънан ва мазмунан янада бойиб боради.

Шавкат МИРАЛИМОВ,
ЎзМУ журналистика факультети “Матбуот” кафедраси доценти

Журналистика — югуриб бораётган адабиётдир.

М. АРНОЛЬД

Дараклар

СКЛЕРОЗНИНГ РИВОЖЛАНИШ САБАБИ АНИҚЛАНДИ

«New Scientist» нашрининг ёзишича, Эпштейн-Барр вируси кишида склероз касаллигини қўзғатади. Бу ҳақда Лондондаги қиролича Мери университети олимлари хабар берди. Уларнинг сўзларига қараганда, вирус деярли барча хаста кишиларда учрайди, бундай вазиятда эса иситманинг кўтарилиши касалликнинг ривожланиш хавфини кучайтиради.



Тадқиқот раҳбари Ute-Кристиан Мейер бошчилигидаги олимлар вирусга чалинган кишиларнинг тириклик ва ҳаётдан кўз юмган вақтидаги мия ҳолатини ўрганиб, унинг лат еган қисмида касаллик асоратларини топишди. Ўрганишлар эса вирус аниқланган жойда фаол ҳаракатланмаганлигини, балки миянинг ён қисмидаги молекулаларни бўшаштириб юборганлигини кўрсатди.

«Агар биз вирусни касалликни қўзғатувчи омил сифатида енга олсак, склероз хасталигини ҳам бартараф этган бўламиз», — дейди Мейер.

Тиббиёт ходимларининг таъкидлашича, Эпштейн-Барр вирусига йўлиққан аксарият кишиларда касаллик асоратсиз ўтади. У бошланғич даврда ҳеч қандай хавф туғдирмаса-да, кейинчалик аҳволнинг оғирлашиши мия ҳужайраларининг емирилишига олиб келади.

САРАТОННИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИ

Гўшт маҳсулотларини севиб истеъмол қилувчилар соғлиғи ҳақида жиддий қайғурадиган вақт келди, шекилли.

Швед олимларининг аниқлашича, мунтазам тановул қилинган биргина сосиска ёки икки тилим дудланган чўчқа гўшти ошқозон ости бези саратонини келтириб чиқариш учун етарли экан. Ҳатто кам миқдорда технологик қайта ишланган гўшт маҳсулоти ҳам «сокин ўлим» дея аталмиш ўта оғир касалликка дучор этиши мумкин.

Гап шундаки, ошқозон ости бези саратони касаллигини бошланғич даврида аниқлаш жуда қийин, асоратлари эса турлича кечади. Масалан, белдаги оғриқ, иштаҳа йўқолиши ва вазннинг енгиллашиши шулар жумласидан. Бу дардга мойил кишилар бу ишораларни сезмай қолишади. Шунинг учун шифокорга мурожаат қилишмайди, касаллик ўз таъсирини кўрсата бошлаганида эса кеч бўлади.

Шу пайтга қадар чекиш, меъёридан ортиқ овқат ва алкоголь истеъмол қилиш танада хавфли ўсимтанинг пайдо бўлишига олиб келади, деб ҳисобланарди. Аммо швед олимлари касалликнинг яна бир сабабини аниқлашди. 6 минг бемор текширувдан ўтказилгач, маълум бўлдики, касалликнинг асосий сабабчиси қайта ишланган гўшт маҳсулотлари экан. Ҳатто 50 грамм қайта ишланган гўшт маҳсулоти ҳам танада ўсимтанинг пайдо бўлиш хавфини 20 фоизга оширади.

ЭНДИ ФАҚАТ ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ СОТИЛАДИ

«Apple» корпорацияси Пекин ва Шанхайдаги ўзининг янги «iPhone 4S» аппаратлари сотувини илк кунидаёқ тўхтатишга мажбур бўлди. Бунга дўконда юзага келган узундан-узун навбат ва тартибсизликлар сабаб бўлди.

Корпорациянинг матбуот учун берган баёнотида савдо харидорлар ва «Apple»га тегишли дўкон ходимлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида вақтинчалик тўхтатиб қўйилгани ҳақида хабар берилди.

«iPhone 4S» уяли телефонига бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда, шу сабаб Хитойга етказилган катта партия қисқа вақт ичида сотиб тугатилди», дейди Apple компанияси вакили. У, шунингдек, жума куни катта оломон сабаб Пекиндаги Саньлитунь дўконини ишга туширишнинг имкони бўлмаганидан нолиди. Энди компания ҳар хил нохушликларнинг олдини олиш учун «iPhone 4S» аппаратини Хитойда фақат интернет тармоғи орқали сотишни йўлга қўймоқчи.

Тақдимоти 4 октябрда бўлиб ўтган «iPhone 4S» уяли телефони 15 декабрь куни расмий тарзда 48 та мамлакатда сотувга чиқарилганди. Маълум бўлишича, янги уяли алоқа воситасининг кўриниши аввалгисидан фарқ қилмайди, аммо нисбатан кучли процессорга эга. Камерадаги аниқлик 5 дан 8 мегапикселгача ўзгартирилган. 16, 32 ва 64 гигабайт хотирага эга уч кўринишдаги аппаратга, шунингдек, овоз буйруқларини бажарадиган «Siri» номли дастур киритилган.

«GOOGLE» ВА «FACEBOOK» АЙБЛАНМОҚДА

Ҳиндистон Олий суди мамлакатдаги «Google» ва «Facebook» компаниялари ваколатхоналарини ўз сайти орқали оммага узатаётган маълумотларни текшириб турмаса, мазкур сайтлар фаолиятини тўхтатиб қўйиши ҳақида огоҳлантирди. Бу ҳақида Press Trust of India нашри хабар беради.

Google India

Судья Суреш Каит таъкидлаганидек, агар компаниялар «ҳақоратловчи ва жанжалли» ёзувларни фош этадиган ва уларни йўқ қиладиган механизмни ишлаб чиқмаса, Хитойдаги каби ушбу сайтларнинг веб-ресурсларидан фойдаланиш омиллари музлатиб қўйилади. «Google» вакиллари бунга жавобан қидирув тизимидаги барча маълумотларни назорат остига ололмаслигини билдирди.

«France-Presse» ахборот агентлигининг кўрсатишича, биринчи бўлиб даъвони журналист Виней Рей берган. У «Google» ва «Facebook»ка тегишли сайтларни Ҳиндистондаги «диний уйғунлик» ва «миллий интеграция» қонунларига риоя қилиш меъёрларини бузганликда айбламоқда.

3 ЙИЛ ДЕГАНДА...

«France-Press» берган маълумотларга қараганда, жиноятчилар гуруҳи Манчестердаги «Blockbuster» дўконида жойлашган банкоматни ўмариб кетишган. Уларнинг ўлжаси атиги 9200 АҚШ долларини ташкил этмоқда.

Полиция маълумотига кўра, 30 метрлик ер ости йўлагини қазиш учун ўғрилар 6 ой вақт сарфлаган. Ёритгич ускуналар ўрнатилган йўлакнинг шифти тиргаклар билан мустаҳкамлангани айтилмоқда.

Терговчининг тахмин қилишича, жиноятчилар ўғриликни содир этишдан олдин воқеа жойини телескоп камера ёрдамида ўрганиб чиқишган. Ўғрилик 2-3 январь кунлари амалга оширилган, деб ёзади «Sky New». Пулларни нақд қилиб олиш учун келган инкассаторлар воқеадан биринчи бўлиб хабар топишган.

«The Daily Mail» нашрининг ёзишича, ўғрилик иккинчи уринишда ниҳоясига етказилган. Жиноятчилар ер ости йўлини 2007 йилда қазишни бошлашган, аммо бундан монтажчилар гуруҳи хабар топишган. Бир неча йил ўтгач эса, ўғрилар қазиш ишларини банкоматгача давом эттириб қўйишган.

Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади.

Хориж матбуоти саҳифаларида

“La Repubblica” газетаси (Италия)

“СУЗУВЧИ ШАҲАР” ГУНОҲИ

Шундай сарлавҳа қўйилган мақола газетанинг навбатдаги сонида журналист Пьеро Оттоне имзоси билан чоп этилди. Унда Италиянинг Жильо ороли қирғоғида сувга ғарқ бўлган улкан кема ҳақида гап боради. Куйруғида “Costa Concordi” деган ҳашамдор ёзуви бор кема денгиз саёҳатига отланган эди.

“Юз берган фалокат киши тасаввурига сиғмайди. Энг замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилган улкан кема Жильо оролидан унча узоқ бўлмаган масофада даъфатан сувга ғарқ бўлса-я! Бунинг устига ҳалокат шамолсиз тунда, денгиз сокин бир вақтда юз берган, — деб таъкидлайди журналист. — Эҳтимол, биз яқин кунларда бу нохуш воқеа сабабини билиб олармиз”.

Мақола муаллифи шундай давом этади: “Инсон жуда қадимдан денгиз билан тиллаша олган. Сув транспорти соҳаси ҳам жамият билан уйғун ривожланишда. Бу тадрижий ривожланиш қадимий елканли кемалардан то бугунги замонавий лайнерларгача бўлган заҳматли йўлни босиб ўтди. Кейинги йилларда ўтмишдошларидан кескин фарқланадиган кемалар ясалмоқдаки, улар сув юзасида баҳайбат бинолардек кўринади, жудаям салобатли, ҳайбатли, худди уммон ўртасида кўпсонли аҳолиси бор “сузувчи шаҳарлар”дек таассурот қолдиради кишида. Одамлар, албатта, бундай сузувчи шаҳарлар ноқулай об-ҳаво шароитида қанчалик хавфсиз эканлигини билишни истайди. Тўфон кема учун маълум қийинчиликлар туғдириши ҳаммага маълум, аммо бу вазиятда лайнерлар учун тезликни етарлича камайтириш кифоя. Шундай экан, денгиз саёҳатига чиққан «Costa Concordi» нима учун сокин ҳавода чўкиб кетди? Бу нима? Яратганнинг жазосими ёки бир ишораси?”.

Афсуски, ҳалокат қурбонларсиз бўлмади. Бу эса, ўз навбатида, кема соҳиби ҳамда денгиз сайёҳлик индустриясига катта зарар етказади.

“Ҳозирча бу фалокат — табиат билан ҳазиллашиб бўлмасликнинг яна бир исботи”, — дея хулоса қилади Пьеро Оттоне.

“Die Welt” газетаси (Германия)

КЕЛАЖАК — ЁШЛАРНИКИ

“Мен деярли 90 ёшдаман, лекин тариҳдан тегишли сабоқ олмай, сиёсий қарорлар қабул қилинадиган бугунгидан бошқа даврни эслолмайман”, — дейди «Die Welt»нинг ўтган кунги сонида чоп этилган эссесида Исроил президенти Шимон Перес.

“Бугунги замонавий глобаллашган иқтисодга новаторлар катта таъсир ўтказмоқда. Глобаллашган иқтисоднинг барча мамлакатларга таъсири бор. Лекин ҳеч қайси давлат ёлғиз ўзи бирон натижага эриша олмайди. Чунки фан ва технология чегара билмасдир”, — дея фикр билдиради у.

Ҳаёт қонунларига кўра, бугун дунё тақдири ёш авлод қўлига ўтмоқда.

“Барча ўткинчи муаммоларга қарамасдан, биз фарзандларимизнинг замонавий дунёқарашларини тарбиялашимиз даркор”, — дея мушоҳада юритилади эсседа. — Бугунги ўқитувчилар болаларимизни тўс-тўполонга эмас, балки эзгу, ижодий ишларга ўргатиши лозим.

“Foreign Policy” журнали (АҚШ)

ЎҒРИЛАР БИЛАН РАҚС

“Агар Ғарб порахўрлик билан курашмоқчи бўлса, аввал ўзига боқсин” – нашрнинг навбатдаги сонида сиёсий тадқиқотлар институти директори, газета шарҳловчиси Энн Эпплбаум шундай ёзади.

“Британия олий суди ва сиёсий тизими учун Березовский ва Абрамовичга пул қаердан келганлиги мутлақо аҳамиятсиз. Агар ўйлаб кўрилса, бу жуда ажабланарли”, — деб ёзади у.

Ғарбнинг Россия, Хитой, Қозоғистон, Афғонистон ва кўплаб Жанубий Америка ва Африка давлатларидаги порахўрликдан хавотири ошмоқда. Лекин бу ерда яна бир мушоҳадали мавзу бор. Ғарбни хавотирга солаётган мазкур порахўрликларга асосан Ғарб дунёси ва у ердаги кўплаб банклар омил бўлмоқда. Агар Афғонистон ҳақида гап кетса, бу ерда порахўрликнинг энг катта манбаси — Ғарб компаниялари ва хайр-эҳсон қилувчи одамларидир. Улар дастлаб чиновникларни сотиб олишади ва зўр бериб порахўрликка ўргатишади. Сўнгра шундай хулосага келишади: “Мамлакат порахўрлик авж олгани туфайли инқирозга юз тутмоқда. Бу ерда ривожланиш оқсамоқда”.

«The Independent» газетаси (Буюк Британия)

ИНТЕРПОЛ ЕВРОИТТИФОҚ ЧЕГАРАЛАРИДАН НОРОЗИ

Қизиқ, бу йилнинг илк кунларида дунё матбуотининг нигоҳи кўпроқ Европага қаратилмоқда. Кунботар ҳудуддаги турли муаммоларга ҳар хил қарашлар, тахмину башоратлар, фикрлар билдирилмоқда. Ана шундай чигаллашиб бораётган муаммолардан бири Европа Иттифоқи чегаралари билан боғлиқ. Бу ҳақда «The Independent» газетаси мухбирининг суҳбат-мақоласи эълон қилинди.

«Энг ачинарлиси, барча Европа мамлакатларида кузатиладиган аҳвол, бу — божхона назорати вақтида саёҳатчилар паспорти билан йўқотилган ва ўғирланган ҳужжатларнинг фарқига бормаслик ёки юзаки назорат. Бу талай кўнгилсизликларга сабаб бўлмоқда, — дейди Интерпол ходими Рональд Ноубл «The Independent» газетаси мухбири Рогул Хастинг билан суҳбат чоғида. — Натижада яширин террористлар гуруҳи бутун Европа бўйлаб урчиб бормоқда ва мавжуд кўплаб чегаралар бунга тўсқинлик қила олмаётир».

Рональд Ноублнинг таъкидлашича, ҳозир Интерполнинг фуқаролар паспорти назорати базаси билан ҳамкорлик қилаётган ЕИ мамлакатлари сонини санаш учун бир қўл бармоқлари етарли. Бу ҳол давом этаверса, ўша машъум 11 сентябрь, ўша 7 июль (2005 йилдаги Лондон метросидаги портлаш) ёки янгитдан 11 март (Мадрид темир йўлларидаги портлаш) воқеалари содир бўлиши мумкин.

Шенген келишувига кўра, ЕИ бўйлаб саёҳатчиларнинг паспорт назоратисиз эркин юриши, бу — бутун Европа хавфсизлигининг энг ожиз нуқтасидир. Шу сабаб, ЕИ чегаралари қайта ислоҳ қилиниши ҳаёт заруратига айланиб бормоқда, дейилади мақолада.

Улуғбек АСРОРОВ тайёрлади.

Шарҳ

«Фобос Грунт»ни сайёралар қабул қилмади

Айтишларича, нозик-таъб қушлардан бири — Синчалак ухлаётганида доим бир оёғини осмонга кўтариб ётаркан. Одамлар қадим замонлардаёқ қушнинг бу қилиғини такаббурликка йўйиб, истеҳзо билан, у «тунда осмон ерга қуласа, кўтариб қоламан» деб ўйлайди, деб нақл қилишган. Чиндан ҳам табиатда инсоният ҳали у қадар тушунмайдиган синоатлар бисёр. Лекин кейинги икки ой ичида «Фобос-Грунт» планеталараро станцияси бўлакларининг ерга қулаётгани, у қаерга тушиши мумкинлиги ҳақидаги тахминлар биддирилганидан сўнг, сайёрамизнинг аксарият қисмида истиқомат қилувчи аҳоли ана шу такаббур қушга ҳасад қилган бўлса, не ажаб. Негаки, оёқни кўтариб, бамайлихотир ухлаш мумкин, лекин кўзни очиб уйқуга кетиш унча-мунча одамнинг қўлидан келавермайди-да!

Марс сайёраси йўлдоши бўлмиш «Фобос»нинг тупроқ қатламидан намуна олиб келиши керак бўлган мазкур станция ўтган йилнинг 9 ноябрь куни Бойқўнғир космодромидан фазога кўтарилган ва 2 соату 40 дақиқа ўтгач, алоқа узилиб қолганди. Шундан сўнг қайта боғланиш юзасидан ўтказилган барча уринишлар бесамар кетди. 13,5 тонна (шундан 11 тоннаси ёқилғи) оғирликдаги космик кема икки ойдан зиёд вақт давомида ердан 200 километр баландликда айланиб юрди. Бутун дунё қарийб 67 кун давомида ҳадик билан осмонга тикилиб, кунни тунга, тунни кунга улади.



Кемада мавжуд бўлган кучли заҳарли модда — диметилгидразин ҳам барчанинг бирдек ўйлантириб қўйганди. Мутахассислар алюмин идишлардаги бу ёқилғи иссиқлик таъсирида ердан камида 100 километр баландликда ёниб кетишини ва кемадаги 40 мкг радиактив кобальт ҳам хавф туғдирмаслигини айтишган бўлсада, бунга кўпчилик шубҳа билан қаради. Лекин металл ёмғирларининг ўзи ҳам агар шаҳарлар устига ёғилса, катта вайронагарчиликни юзага келтириши аниқ эди. Космик кемага, шунингдек, Марс йўлдошида қолдирилиши керак бўлган 7 килограммлик 3 та капсулага турли микроорганизмлар, чивин личинкаси, қисқичбақа эмбрионлари жойлаштирилганди.

Ўзига хос рамзийлик касб этган яна бир нарсага эътибор қаратиш лозим. Маълумки, Марс сайёраси азал-азалдан барчанинг диққат марказида бўлиб келган. Сабаби унинг она-сайёрамизга ўхшаб кетадиган томонлари ҳам йўқ эмас. Масалан, иқлими худди Ернинки каби мавсумий характерга эга, совуқ пайтда қиров тушади. Ҳатто қор учқуни ва қор бўрони кузатилган, бироқ улар сайёра юзаси сатҳига етиб келмай буғланиб кетади.

«Қизил сайёра» Қуёш системасида катталиги жиҳатидан еттинчи, жойлашган тартиби бўйича эса тўртинчи ўринда туради. Уни қадимги Рим халқи уруш худоси — Арес номи билан аташган. Марснинг иккита табиий йўлдоши Ареснинг ўғиллари «ваҳима» ва «қўрқув» рамзи бўлган Фобос ва Деймос номи билан аталади. Не ажабки, ваҳима тимсоли бўлган «Фобос»га юборилган космик кема чиндан ҳам икки ойу олти кун давомида кишиларни кучли таҳликада ушлаб турди.

Илми нужум билан шуғулланган мутафаккир аждодларимиз қизил сайёрага «Миррих» дея ном беришган. XX аср бошларидаги маърифатпарвар аллома Абдурауф Фитрат «Миррих юлдузига» шеърида сайёрага «у Ерда бўлаётган жаҳолатни сингдиролмай қизариб кетган», дея таъриф берганди. Таъбир жоиз бўлса, у шу кунларда янада қизарди. Ва бу алвон ранг, Россия космик агентлиги мутасаддилари юзини ҳам шувут қилди.

— Муваффақият қозонишимизга 100 фоиз ишонганимиз учун мазкур космик станция ҳеч бир тайёргарликсиз, синовларсиз учирилганди, — дея тан олди Роскосмос агентлиги раҳбари Владимир Поповкин яқинда берган интервьюларидан бирида. — Ҳозир фақат бир нарсани — ҳар қанча мукаммал бўлмасин, бу ҳам бир техника, унда ҳам айрим конструктив нуқсонлар юзага келиши табиий ҳол эканини айтишим мумкин, холос.

Мутахассислар 2012 йилнинг январь ойида космик кема 200 килограмм оғирликдаги 30 та бўлакка бўлиниб, ер юзининг хоҳлаган нуқтасига, ҳатто миллионлаб одамлар яшайдиган шаҳарлар марказига тушиши мумкинлигини хусусида хабар бергандилар. Бу борада турли тахминлар илгари сурилди: Ҳимолай тоғи, Қорақум саҳроси, Афғонистон, Гоби саҳроси, Аргентина...

Ниҳоят кўнгилда бир олам ғулғула билан кутилган кун ҳам етиб келди. Гарчи станция ҳалиям коинотда айланиб юрибди, деган тахминлар мавжуд бўлса-да, Россия Мудофаа вазирлиги маълумотларига асосланиб, «Интерфакс» тарқатган маълумотларга кўра "Фобос-Грунт" сайёраларо станциясининг парчалари 15 январь куни Тошкент вақти билан 22:45 да Чилига қарашли Веллингтон ороли ғарбидан 1250 километр нарига — Тинч океанига қулаб тушган. Аммо бошқа маълумотлар ҳам йўқ эмас. Масалан, РИА новости «металл ёмғир»лари Бразилия қирғоқларига яқин бўлган Атлантика океани ҳудудига ёққанини хабар қилмоқда. Баъзи манбаларда эса лойиҳа қиймати 160 миллион доллар бўлган станция парчалари 310,7 градус шарқий узунлик ва 18,2 градус жанубий кенгликдаги ҳудудга ҳам тушган бўлиши мумкинлиги айтилган. Бу айнан Бразилиянинг Гояс шатати ҳудудига тўғри келади. Космик чиқиндиларнинг Тинч океанига тушганини Россия Мудофаа вазирлигининг Ҳаво ва космик мудофаа кучлари бўлими матбуот ва ахборот хизмати ходими полковник Алексей Золотухин ҳам тасдиқлади.

Ерга қулаган «Скайлеб», «Мир» станцияларидан кейинги энг йирик космик кема бўлган «Фобос-Грунт»нинг қисмати ҳам шу тариқа якун топди. Бундан кейин ҳам Тинч океани ўз номига содиқ қолиб, тинчгина мавжланишда давом этаверади. Бироқ кейинги йилларда коинотга ўнлаб ракеталар учиришни мўлжаллаган Америка, Россия, Хитой, Япония, Германия, Франция каби давлатлар бундан қандай хулоса чиқаришади, бу ҳозирча ноъмалум. Демак, бу ҳали «ҳолва»си бўлмаса яхшийди.

Иномжон АБДИЕВ,
«Hurriyat» мухбири

Билмаганни билган яхши

Қарз шартномаси қандай тузилади?

Бир дўстим билан қарз шартномаси тузмоқчи эдим. Уни тузиш тартиби ҳақида маълумот берсангиз.

Р.Очилов
Ғиждувон тумани

Фуқаролик кодексининг 733-моддасида қарз шартномаси тўғрисида сўз боради. Унга кўра, фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар бу қарзнинг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий, ёзма шаклда тузилади. Тарафлардан бири юридик шахс бўлганида эса, суммасидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши шарт. Дарвоқе, қарз олувчининг тилхати, унга қарз берувчи томонидан муайян сумма ёки муайян миқдордаги ашёлар топширилганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса, шартнома ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

Қарз шартномасида қарзни бўлиб-бўлиб қайтариш назарда тутилган бўлса, қарз олувчи қарзнинг навбатдаги қисмини қайтариш учун белгиланган муддатни бузган тақдирда, қарз берувчи қарзнинг қолган барча суммасини тегишли фоизлар билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

Юқорида тилга олиб ўтилган кодекснинг 736-моддасида қарз олувчи томонидан қарз шартномасини бузиш оқибатлари кўрсатилган. Унда қайд этилишича, қарз олувчи қарз суммасини вақтида қайтармаса (агар қонун ҳужжатлари ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса), кўзда тутилган фоизлар тўланган бўлишидан қатъи назар, қарз қайтариб берилиши керак бўлган кундан бошлаб то у қарз берувчига қайтариб берилган кунгача бу сумма юзасидан ушбу кодекснинг 327-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган миқдорда фоизлар тўланиши керак.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, тарафларнинг келишувига мувофиқ, олди-сотди, мулкни ижарага олиш ёки бошқа асослар туфайли пайдо бўлган ҳар қандай қарз қарз мажбурияти билан алмаштирилиши мумкин. Бу Фуқаролик кодексининг 347-моддасида назарда тутилган мажбуриятни янгилаш тўғрисидаги қоидаларга асосан амалга оширилади.

Саволга Ғиждувон туманидаги 1-сон ДНИ нотариуси Зафар ДАВЛАТОВ жавоб берди.

Қадрият

СОВҚИЛИКДА ПИШАР УМР САВДОСИ

— Чақир ўша совчиларингни. Қизимнинг аҳволини кўриб қўйишсин.

— Совчиларни нима қиласан? Ўзим билан гаплашавер.

— Йўқ, менга тоғ-тоғ ваъдалар бериб, қизимни бахтсиз қилган совчиларингни топ. Бу ишни шундай қолдирмайман!..

Кўчадан ўтиб кетаётган одамлар ана шундай шовқин-сурон эшитилаётган хонадонга ажабланиб қараб қўйишар, уч-тўрт ҳангоматалаб қўшнилар эса дарвозадан мўраларди. Маълум бўлишича, бир йил аввал қизини шу хонадонга узатган ота куёвининг ножўя хатти-ҳаракатлари хусусида унинг ота-онасига айтган, аммо ҳеч қандай наф бўлмаганидан сўнг ўртага тушган совчиларни суриштирган экан.

Ажддодлардан ўтиб келаётган энг гўзал қадриятларимиздан бири — совчилик шунчаки бировнинг кўнглини олиш эмас, балки жуда масъулиятли вазифа саналади. Совчилар сабаб бўлиб, бир-бирига кўнгил қўйган икки ёшнинг боши қовушади, етти ёт бегоналар ўртасида ўзаро меҳр, ҳурмат ришталари пайдо бўлади. Шу боис, азалдан совчиликка кайвони, эл орасида обрў-эътиборли фозил кишилар танланган. Афсуски, бугун икки ёшнинг тақдирини ҳал қилишда муҳим бўлган ана шу анъанадан кўра бир неча соат ичида ўтиб кетадиган тўйга кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Тан олиш керак, бугун бахтли, тинч-тотув яшаётган, ибрат олса арзигулик оилалар кўп. Бироқ шоли курмаксиз бўлмагани каби баъзан ёш оилалар турли важлар сабаб қўйди-чиқдигача боришади. Бунда ҳамма айбни фақат ўша оиладан эмас, бошқа омиллардан ҳам излаш керакка ўхшайди. Шулардан бири совчиликдир. Бинобарин, юқорида тилга олинган можарода отанинг совчиларни чорлагани ҳам бежиз эмас.

... Бир куни қўшни қишлоқдан келган қариндошимиз бувимга оилавий ҳаётидан ҳасрат қилди. Ўшанда бувим: "Эҳ, умр савдоси жуда қийин экан-да. Қизидир, йигитдир бахтли яшаб кетса-ку, хўп-хўп, мабодо юлдузи-юлдузига тўғри келмаса-чи? Умр савдосининг катта ғавғоси, туганмас азоби шу бўлади", — деган эди. Болалигимда ёдимда қолган бу гапларнинг мазмунини янада улғайгач, англадим. Демак, шундай ғавғоларга қолмаслик учун ҳам совчилардан ҳушёрроқ, масъулиятлироқ бўлиш талаб этилади.

Ўшанда бувим ўзлари гувоҳ бўлган бир воқеани айтиб берган эди. Қишлоқдаги пиру бадавлат отахон — мулла Темир бобони каттаю кичик бирдек ҳурмат қилар, совчиликка у киши бориши ҳар икки томон учун ҳам фахр ҳисобланар экан. Бир куни у киши совчи бўлиб барпо этилган ёш оилада низо келиб чиқиб, куёв келинчакни онасиникига жўнатиб юборибди. Бу гап қулоғига етиб борган Темир бобо дарҳол отига миниб куёвникига равона бўлибди. Кўча бошида даладан қайтаётган куёвга дуч келибди-ю: "Ҳали сенми, хотинни қўйиб юборадиган", деб роса таъзирини берибди. Тавбасига таянган куёв ўша куниёқ хотинини уйига олиб келган экан. Бундан кўриниб турибдики, анъаналаримизнинг асл гавҳарларидан бири — совчилик ниҳоятда юксак қадрланган, совчилар эса ҳар икки томон учун масъулиятни бирдек ҳис этган.

Шу ўринда дугонам сўзлаб берган бир воқеа эсимга тушди. Унинг айтишича, узоқ овулда яшайдиган қиз шаҳарда ўқиб, шифокорлик касбини эгаллаб, ўз юртига қайтади. Уйидан совчиларнинг оёғи узилмайди. Ажабланарлиси, у не-не олий маълумотли, ўзига тўқ йигитларга эмас, балки оддий бир чўпонга турмушга чиқади. Энг қизиғи, бунда совчиларнинг хизмати катта бўлган экан. Яъни чўпон йигит томонидан келган оқсоқоллар қизнинг ота-онасига турмушнинг пасту баландини, тотув ва бахтли яшаш учун бойлик, мансаб ва маълумот ечим эмаслигини ниҳоятда содда ва чиройли қилиб тушунтиришганидан ота-она тўйга розилик беришади. Шифокор қиз ва чўпон йигит чинакам бахтли турмуш кечиради. Улар бугун ўн етти набира, ўттиздан ортиқ эвараларнинг севимли бобосию бувиси бўлиб, кексалик гаштини суришмоқда.

Яна бир мулоҳаза. Баъзан совчиликка куёв бўлмишнинг онаси, холаси, опа-сингиллари бориши ҳам одатий ҳолга айланмоқда.

"Қизи бор хонадонга совчи келиши табиий. Иккинчи қизим тиббиёт коллежини тамомлаган, шифохонада ҳамшира бўлиб ишлайди. Бир куни уйимизга икки аёл кириб келди. Кутиб олдим. Суҳбат асносида улар йигитнинг онаси ва опаси экани маълум бўлди, — дейди бир опахон шу мавзуда суҳбатлашганимизда. — Таомилдаги савол-жавобдан сўнг кетишди. Турмуш ўртоғимга бу ҳақда айтдим. Йигитни суриштирдик. Буни қарангки, йигит биринчи турмушидан ажрашган экан. Уни қайта уйлантириш учун ота-онаси четдагиларни жалб этмаган ҳолда ҳамма масалани, шу жумладан, совчиликни ҳам ўзлари ҳал қилишмоқчи бўлишибди. Инсон тақдирига бу қадар совуққонлик билан қарашаётгани учун улардан жуда ранжидим".

Оиланинг тамал тоши қўйилишига асос бўладиган совчилик ҳақида гапирганда, унинг яна бир муҳим жиҳатига эътибор қаратиш ўринли. Бугун совчиликни касб қилган инсонлар гап-сўзни қисқа ва лўнда қилишга жуда ўрганиб қолишган. Яъни, асосий эътибор томонларнинг моддий аҳволига қаратилаётгани, гапнинг очиғи, аянчли ҳол. Бир куни ҳамкасбим "Муштум" журналидаги "Замонавий совчилар" деб номланган суратни кўрсатган эди. Унда айнан юқоридаги фикр ўз ифодасини топган. Ўта замонавий кийинган икки аёлдан бирининг бошида, иккинчисининг эса қўлтиғида сават олиб бораётгани тасвирланган. Саватларда бўлажак куёвнинг қариндош-уруғларининг мансаби, мол-давлати ҳақида маълумот берувчи қоғозлар уйиб қўйилган.

Бир қараганда бу ҳолат кулгили кўриниши мумкин. Аммо бу кулгу замирида аччиқ киноя, истеҳзо яширинганини англаш қийин эмас. Ваҳоланки, икки инсон тақдири ҳал этиладиган паллада ҳеч қандай мансабу бойликнинг аҳамияти йўқ.

Совчиликда бир-икки киши ёхуд хонадоннинг эмас, балки маҳалла-кўйнинг ҳам масъулияти талаб этилади. Ҳолбуки, Ватан ичра мўъжаз ватан — маҳалланинг тинчлиги, ободлиги оилаларнинг осойишталиги билан белгиланади.

— Қиз узатиш, ўғил уйлантириш масаласида маҳалла билан маслаҳатлашилса, баҳамжиҳатликда иш қилинса, барпо этилаётган оилалар янада мустаҳкам бўлиши таъминланади, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги "Чақар" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Сайёра Муҳаммедова. — Ахир ҳар бир хонадоннинг пасту баланди, яхши-ёмони, ибратли жиҳатлари кўпроқ маҳалла фуқаролар йиғинига аён. Оилалар ўртасида юзага келадиган турли низо, муаммоларни ҳал қилишда маҳалланинг аралашуви муҳим аҳамият касб этишини инобатга олсак, унинг совчиликдаги ўрни янада кўпроқ намоён бўлади.

Дарҳақиқат, ҳар биримизнинг қувончу ташвишларимизга шерик, яхши-ёмон кунларда биз билан елкадош бўладиган маҳаллани ҳаётимизнинг ажралмас бўлаги, десак арзийди. Шу маънода совчилик масаласида ҳам маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашилса айни муддао бўлар эди.

Ҳидоят ЖЎРАЕВА,
"Hurriyat" мухбири

Реклама ўрнида

ASAKA BANK

Ҳурматли юртдошлар!

«Асака» банки (ОАЖ)

Сизларга миллий валютадаги, сақлаш муддати 1 йил бўлган қуйидаги янги омонат турини таклиф этади:

«ҲИМОЯЧИ»

Фоизлар ойма-ой ҳисобланиб коммунал тўловларга (электр энергияси, газ, иссиқ сув, совуқ сув, телефон) ҳамда талабаларнинг шартнома асосида ўқишлари ва даволаниш учун йўналтирилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	8 371	120-83-13
Автотранспорт филиали	8 371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	8 371	140-39-36
Юнусобод филиали	8 371	225-16-46
Сирғали филиали	8 371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	8 371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	8 374	224-40-96
Асака филиали	8 374	233-13-69
Фарҳод филиали	8 374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	8 373	224-70-83
Марғилон филиали	8 373	237-12-37
Олтиариқ филиали	8 373	432-10-11
Қўқон филиали	8 373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	8 369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	8 436	223-54-32
Зарафшон филиали	8 436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	8 365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	8 365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	8 366	231-08-86
Афросиёб филиали	8 366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	8 375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	8 376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	8 361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	8 362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	8 367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	8 372	226-43-11

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Хизматлар лицензияланган.

TURON BANK

Эзгулик — элни элга, дилни дилга боғлайди

Бу ҳақ гап. Дилига эзгулик тўккан халқимизнинг азму шижоати билан истиқлол йилларида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида мисли-сиз ижобий ўзгаришлар рўй берди. Айниқса, банк тизимида амалга оширилаётган мамлакатни модернизациялаш, янги корхоналар бунёд этиш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, пировардида, иш ўринларини кўпайтириш каби жараёнлар турмушимиз фаровонлашувида жуда катта аҳамият касб этмоқда. Бунга мен ўз фаолиятимда тўла амин бўлдим.

Кўп йиллардан буён «Туронбанк»нинг Бухоро филиали мижозиман. Шу боисданми, мазкур банк филиали фаолияти билан жуда яхши танишман. Биргина ўтган йили филиал ўз мижозларига 6 миллиард 557 миллион сўм ҳажмида кредит ажратиб, уларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилди. Масалан, ёш оилалар учун 210 миллион сўм, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти юритаётган 15 нафар аёлларга 310 миллион сўм миқдорида молиявий мадад берди.

Банкда фаолият кўрсатаётган ҳар бир ходимнинг малакали хизмати ва мижозларга бўлган самимий муносабатидан миннатдор ҳолда айтаманки, муҳтарам Президентимизнинг «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» деган пурмаъно сўзлари айнан шу банк ходимлари учун айтилгандек гўё.

Муҳими, биз мижозларнинг банк фаолиятидан кўнглимиз тўқ. Масалан, бизнинг корхонамиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланади. Сир эмас, дунёнинг баъзи мамлакатларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кам етиштирилаётгани боис, озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи тобора долзарб бўлиб келмоқда. Шундай бир шароитда бизнинг мамлакатимизда тижорат банкларининг қўллаб-қувватланиши натижасида аҳоли дастурхонига йил сайин тобора кўп ва сифатли маҳсулотлар тортиқ қилинмоқдаки, буни фақат олқишлаш жоиз.

Ана шундай эзгулик асносида мазкур банк филиалидан 3 йил муддатга 70 миллион сўм кредит олиб, маҳсулотларимиз турлари, ҳажми ва миқдорини 1,5-2 баробар ошириш имконияти вужудга келди. Натижада, ўнлаб янги иш ўринлари яратилди. Янги замонавий технологик линиялар ўрнатдик. Табиийки, бу муваффақиятларда банкнинг молиявий кўмаги мадад бўлди. Амалга ошираётган ҳамма эзгуликларимизни бундан буён ҳам изчил, самарали давом эттириш учун «Туронбанк» билан доимо ҳамкор бўлишни ният қилганмиз.

Анвар РЎЗИБОЕВ,
«Бухоро карпет» хусусий корхонаси раҳбари

Митти гиёҳ тўғрисаси

Эссе

Сўнгги пайтларда қулоқларим остида ўз-ўзидан ғалати овоз эшитиладиган бўлиб қолди. У ҳеч кутилмаган дамда жаранглайди. Атрофимга аланглаб, диққат билан тинглайман: овоз бор, аммо ҳеч кимни кўрмайман. Ўзимга танишдай туюлади бу сас, бироқ эслолмайман. Бу садо кимдан, қаёқдан келяпти, дея ҳайрон бўламан. Ҳадиксирамайман, ҳайратланаман, ҳолос. Негаки, бу овоз шунчалик тоза, шу қадар тиниқ ва мусаффоки, бутун борлиғимни қамраб, сеҳрлаб олади. Худди алла эшитаётган гўдакдай вужудимга бемисл ором инади. Энг қизиғи, мен борган сари бу овозга, оҳангга ўрганиб, боғланиб қолаяпман. У эшитилмай қолса, бетоқат бўла бошлайман, тинчим йўқолади. Баъзан туни бўйи мижжа қоқмасдан, кўзларим қизариб, интиқлик билан уни кутиб чиқаман. Аммо у ҳеч қачон режали тарзда, белгиланган жадвал бўйича келмайди.

Кейин эсладим: уни дастлаб тушларимда эшитган эканман. Фақат, бу туш-да, унга нималар кирмайди, деб эътибор бермаган бўлсам керак. Қолаверса, бу овоз ўнгимда тушимдагидан кўра ўн ҳисса жозибалироқ эди.

Кунларнинг бирида илғаб қолдим, бу овоз бошқа ёқдан эмас, ўзимдан, аниқроғи, қалбимдан келаётган экан. Туйқус англадим: таниш ва нотаниш бу садо Болаликнинг Овози эди! Ҳа-ҳа, айнан ўзи — Болаликнинг Овози! Шунда мен унинг мақсадини тушундим: у мени — турмушнинг ўнқир-чўнқир кўчаларида улоқиб кетган одамни яна сўзлар оппоқ саманларга айланиб, ўтлаб юрган ям-яшил водийга қайтармоқчи эди! Мен бир босиб ўтган масофамга, бир куюк юрагимга, бир қўлимдаги турмуш тўрвахалтасига қарадим-у, ўзимча мушоҳада қилдим: "Энди у мусаффо водийга қайтишга кучим етармикан?!" Иккиланганим сари Болаликнинг Овози кучая бошлади. Ниҳоят, унга тан беришдан, таслим бўлишдан бошқа иложим йўқлигини англадим, бу мен учун ҳаёт-мамот масаласи эканига иқрор бўлдим. Ва секингина бурилиб, унинг измига тушдим...

***

Хуршид Даврон дейилганда кўз ўнгимизда кўпроқ ижтимоий руҳда шеър битувчи шоир, тарихий мавзуларнинг билимдони бўлган адиб қиёфаси гавдаланади. Вақтли матбуотда эълон қилинган шеърлари ва энг асосийси, мунаққид-адабиётшуносларнинг шоир ижоди ҳақидаги мақолалари мухлисларда шундай тасаввурни шакллантирган. Мазкур мақолаларда мутахассислар шоирнинг ижтимоий "мен"и, шеърларида илгари сурилган жамиятга дахлдор ғоялар ҳақида хўб ва кўп ёзишган-у, аммо энг асосий жиҳат, шоирнинг асл шоир эканини белгиловчи хусусият — унинг поэтик дунёси, нозик ва нафис идроки, ҳаётбахш туйғулари акс этган образлари ҳақида кам тўхталишган. Эҳтимол, бу мавзу улкан ижтимоий масалалар олдида кўримсиз, майда туюлган бўлиши мумкин. Аммо вақт ўтган сари аён бўляптики, бир пайтлар ўта долзарб бўлган, катта-катта ғояларни ўзида акс эттирган публицистик, жанговар шеърлар ва улар ҳақидаги мақолалар ўз аҳамиятини, мавқеини аста-секинлик билан йўқотиб бораётир. Негаки, ижтимоий-публицистик шеърларда кўтарилган муаммолар, масалалар ҳаётда ўз ечимини топиши биланоқ бундай асарларнинг хизмати ҳам, умри ҳам якун топади.

Хуршид Давроннинг бундан чорак аср олдин — шеъриятда ижтимоий-публицистик руҳ роса гуркираб турган паллада чоп этилган "Болаликнинг овози" китобини қайта варақларканман, шоирнинг ҳақиқий бойлиги давр руҳи акс этган шеърларида эмас, балки шабнамдай тиниқ, ёқутдай бебаҳо туйғулари ярқираб турган тизмаларида экан, деган хулосага келдим. Энг қизиғи, шоир ижодининг асосий қисмини худди шундай тоза шеърлар ташкил қилишини англаб, янглиш тасаввуримдан хижолат чекдим, ўзининг алданганини сезган боладай алам туйдим. Ва дафъатан Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон кўз олдимда бор бўй-басти билан намоён бўлди. Унинг ўта нафис ва сержило образлари мени ҳайратга кўмди, лол қолдирди. Чинакам шеъриятнинг қудратини, сеҳрини ҳис қилдим: унинг таъсирида замон ва макон қаршилигини енгиб, ўзлигимга — болалигимга қайтдим...

***

Болалик Овози қўлимдан етаклаб, мени зангори осмон остидаги ям-яшил сайҳонликка олиб чиқди. Бундаги гўзал, мафтункор манзарани кўриб, қай даражада ўзимдан узоқлашганимни, аслида мен ҳам шу табиий уйғунликнинг ажралмас бир бўлаги эканимни ичимдан ҳис қилдим. Ва иқрор бўлдим:

Табиатдир менинг давомим,
Туташ эрур барғим барғига.
Умрим боғлиқ ою офтоби,
Дарёлару дарахтларига...

Шунда яна аввалги сезимларим уйғонгандай бўлди. Аввал эшитмаганим минглаб овозларни илғай бошладим. Улар орасида капалакнинг қўшиғини, гиёҳларнинг шивирини, юлдузларнинг жарангини, ойнинг кишнашини фарқлаш қийин эмас эди. Гўё томиримда оқаётган қон қизил эмас — яшилдай, кўзларимда ёш эмас — шабнам айланаётгандай, икки ёнимда қўл эмас — қанот бордай туюларди. Ногоҳ *"ялпизларни қучоқлаб сархуш, муҳаббатга чулғанар қалбим"* дея, ишқ асирига айландим. Энди бошим узра учиб ўтган қуш ҳам хаёлимнинг давомидай туюлар, тунлари энтикканимдан нафас олмай ётар, дарахтларнинг кулгисини тинглаб, лабимга қуйилган кўзёшларини ялар эдим. Ҳа, *оппоқ эди бошда бу дунё: кўча оппоқ, кечалар оппоқ, қандай яхши экан болалик, оппоқ ранглар билан яшамоқ...*

Бу беғубор оламдан сира кетгим келмай қолди. Энди аввалгидай чала тушгача мудраб ётмасдим: тонг-саҳардан турволиб, оппоқ кўйлагимни киярдим-да, далаларни кезишга тушардим. Яшил майсаларнинг баргларига лаб босиб, энг инжа сирларимни қулоқларига шивирлардим, уларни қизалоқдай эркалагим келар, ҳаяжонимни босолмасдан тойчоқдай тўрт томонга ирғишлар, хуллас, ён-атрофимдаги ҳамма нарса — *шитирлаган кечки ёмғир ҳам, туманларни қучоқлаган тонг, қоп-қорайган далаю қир ҳам, бари менга таниш, қадрдон* эканини англаб, бахтдан масрур эдим. Ҳар куним шу тахлит кечар, кейин тун асираси — ойнинг елкасига қўлимни қўйиб, Юрагимни очардим. Ва шунда бирдан мўъжиза содир бўларди: хира тун ёришиб, олам оппоқ ойдинликка чулғанар эди...

***

Хуршид Даврон шеъриятида бир-биридан гўзал, бетакрор образлар кўп учрайди. Уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида-алоҳида ёзиш мумкин. Мен улар орасидаги энг митти ва нозик тимсоллар — майса, гиёҳ ва ялпиз ҳақида қисқача тўхталмоқчиман. Моҳиятан олиб қарайдиган бўлсак, улар бир мақсад йўлида тизилиб турган опасингилларга ўхшайди.

Ялпиз деганимизда, шаксиз, димоғимиз ҳаётбахш ифорга, кўзларимиз яшил ёғдуга тўлади. Гўё ўз меҳри билан дардимизни аритувчи мунис ҳамширани кўргандай майин тортамиз. Шоир шеърларини ўқирканмиз, у бизга умид чироғидай туюлади.

Токчада даста ялпиз,
Ҳузур берар беморга.
Доридан дим хонамиз
Гўё тўлди баҳорга.

Бир даста ялпиз турли-туман дори-дармонларнинг ҳидидан димиққан хонага Баҳорни — Ҳаётни бошлаб келади. Кунлар, ойлар давомида бир жойда ётавериб, дунёдан умидини узиб қўйган бемор *ниманидир эслайди, уринади кулишга, ва лекин ялпиз ҳиди тўкилади болишга*. У энди бошидаги жонсиз ёстиқдан тер ва бадбўй дори ҳидларини эмас, сеҳрли, мўъжизакор ифорни туя бошлайди. Хира тортган тасаввури бирдан "ярқ" этиб ёришиб кетади. Энди *дунё ҳам кўзларида — гўё ялпиз кўкати, кечалари уйғониб, у ялпизни ўпади!* Тасаввур қилинг-а! *Ўшанда*, қандай аҳволга тушасиз?! Кўксингизда кўнгил деган нарса бўлса, албатта, кўзингизга ёш тўлади ва айни пайтда қадрдон одамингиз билан эртароқ видолашиб қўйганингизни, унга қўшилиб ҳали қурашишингиз лозимлигини, бемор сизда кўрмаётган умиду илинжни бир даста ялпиздан топганини, ташрифи сизга сезилмаётган баҳорнинг ҳар лаҳзасини у йилларга чўзиб яшагиси келаётганини англаб етасиз. Бор-йўғи 33 та сўз иштирок этган шеърда шоир бу ҳақда ҳеч нарса демайди, сизга насиҳату тавсиялар бермайди, ялпиз ва ҳаётга муҳаббатнинг мўъжизакор сеҳри ҳақида лоф урмайди — шоирнинг маҳорати ҳам шунда! Қақшаб ётган юрагингизда нимадир ғимирлагандай, эҳтимолки, ғафлатнинг тош қатламларини ёриб, бир туп ялпиз илдиз отаётгандай бўлаверади.

Навбатдаги шеърга ўтаркансиз, беихтиёр ўзингиз ҳам ялпизга айлангингиз, майса-гиёҳлар қаторида хуш бўй таратиб, шамол бағрида ўйнагингиз келади: *о, ўша он истайман жуда, майсаларга қўйиб бошимни, мангу яшай ўтлар ичида, ялпизлар ҳидига кўмилиб...* Лирик қаҳрамон **мангу яшай** деяпти, ҳолбуки майса, ялпиз деганлари бизнинг наздимизда тезда заволга юз тутувчи, заиф ўсимликлардир. Аммо шоир уларнинг илдизидаги мангуликни, куч-қудрат манбаини кўра билади. Йўқса, у *"Қор кетди ва заминда бўртди илк гиёҳ — қоронғи, сиёҳ тунда шам ёнди гўё; баргин ёзиб талпинди у қуёш сари, осилди илдизига улкан ер шари"*, деб ёзмасди. Ҳа, шоир ўз шеърларида қайта-қайта майса, гиёҳ, ялпиз тимсолига мурожаат қилади. Гоҳ уларни эркалаб барғига босса, гоҳ улардан нажот тилайди. Энг қийин паллада ҳам, хира туманлар эриб кетгач, албатта ялпиз капалакдай уйғонишига ишонади. Ва у ўзи туғилиб ўсган жонажон қишлоғини соғинар экан, энг аввало, тушига ялпиз киради. Нега?! Негаки, йиллар мобайнида унинг ўзи ҳам, яқинлари ҳам, бошқа нарсалар ҳам бир қадар ўзгарди. Ўзгармаган, аслига содиқ қолган Ялпиз! У ҳамон кўнгилларга илиқлик, ёруғлик бахш этмоқда, ҳануз оламга хушбўй, мусаффо нафасларини улашмоқда.

Биласизми, асл шеъриятнинг сеҳри нимада? У ҳеч куч ишлатмасдан, босим ўтказмасдан онгу шуурларни забт этади. Юраклардаги яраларни даволайди. Унинг қуроли ҳам, малҳами ҳам битта — меҳр-муҳаббат! Ялпиз, Бойчечак ва бошқа маъсум гиёҳлар ана шу меҳр-муҳаббатнинг, Эзгулик ва Абадиятнинг мунису муштипар, шу билан бирга, енгилмас қўшинидир.

Бу нафис тимсоллар қатидан яна кўп маъни излаб топишимиз мумкин. Бироқ уларнинг бутун сирини очишга ожиз эканимизни тан олмоғимиз керак. Чунки биздан-да дақиқ олимлар бу ҳақда олдин ҳам кўп бош қотиришган:

Англаш учун митти гиёҳни,
Очилсин деб унинг сирлари —
Ўйга ботиб турар дунёнинг
Энг доноишманд мутафаккири...

***

Болалик Овози мени ранг-баранг гуллар, чечаклар билан қайта таништирди. Уларнинг йиллар давомида эсимдан чиқиб кетган, бир пайтлар мени масту мустағриқ этган ифорларини тўйиб-тўйиб ҳидладим. Аммо кутилмаганда ўз эътиборсизлигимдан уялиб қолдим. Мен писанд қилмайдиган, қўлу кўйлаги доғал ҳар куни эридан калтак еб, юзи кўкариб юрадиган Аёл менга нафосатдан дарс бериб қўйди. *Кеча ногоҳ йўлнинг четида кўриб қолдим ўша аёлни: у ҳидларди мен сезмай ўтган миттигина марваридгулни...* Шунда унинг қалби ниҳоятда нозик, гўзаллик, нафосатга ошуфта эканини тушуниб етдим. Гўё унга муҳим гапим бордай, ниманидир сўрамоқчидай, изидан эргашдим. Аммо буни пайқаб, қадамини тезлатди, мен билан гаплашишни истамадими, ишқилиб, шошилганча уйига кириб кетди. Мен шом пардасига ўралган кўйи кўчада қаққайиб туриб қолдим. Шу пайт рўпарадаги очиқ дарвоза эътиборимни тортди. "Бу ерда бева аёл яшайди, — деди Болаликнинг Овози маҳзун тортиб. — Эри урушда ҳалок бўлган..." Сездим: *бева ҳовлисига тун олдин кирар, қуюқлашиб борар дилда хотира; деворда, суратда — бир йигит кулар, ёнида жилмаяр бир қиз бокира.* Мен энг чиройли кўйлагини кийиб, очиқ деразадан ташқарига термулиб турган ғамгин аёлни кузатарканман, юрагимни ғусса булути қоплади. Аммо шу лаҳза бехосдан боя мени эргаштириб келган аёл кириб кетган ҳовли деразасига нигоҳим тушди-ю, ҳайратдан лол қотдим. Жанжалдан безор бўлган, ҳақорату йиғидан зада хонадонда бу тун бутунлай ўзгача, фавқулодда ҳолат ҳукм сурарди: *қаршида дераза сўйлайди эртак, унда икки соя бахтиёр, малул — оҳ, нақадар улкан у сирли эркак, қўлларида аёл севган қизил гул.* Ва ниҳоят Аёл қалбини мушт билан эмас, Гул билан забт этиш мумкинлигини англаб етган Эркакни хаёлан олқишладим.

Бу манзара мени қанчалар хурсанд қилган бўлса, рўпарадаги бева аёл бағрини шу қадар тилкалаганини сезиш қийин эмасди — сўлғин ёноғига томган кўзёш томчисида унинг бутун изтироби, армони мужассам эди. Шунда илк бор англаб қолдим: бахтли одамлар агар эҳтиёт бўлмасалар, ўз бахтлари билан бахтсиз кимсаларни баттар бахтсиз қилишлари мумкин экан! Икки қарама-қарши дераза оралиғида турарканман, ёрига ичиккан аёлни қандай қилиб юпатишни, тасалли беришни билмасдим. Худди шу сония соғинчли ҳайқирикдан жимлик пиёласи чил-чил синди. Гарчи аёлнинг лаблари жипс, очилмай турган бўлса-да, бу овоз уники эканига шубҳам йўқ эди. *Кимнидир чақирар. Аёл овози — ҳавода қалқиниб-қалқиниб учар; деворда уйғонар қўлларнинг изи — Эркакнинг қўллари... ва уни қучар.* Қалбимга таскин ингандай бўлди. Ортиқ бу ерда туриш одобдан эмаслигини англаб, изимга бурилдим. Ортимдан Болаликнинг Овози эргашди:

Бизнинг дераза ҳам сўйласин эртак,
Оқшом рангларига сингсин ҳикоя.
Дунёдаги барча деразаларда
Бахтиёр яшасин иккита соя...

***

Ялпиз, Аёл ва Муҳаббат... Хуршид Давроннинг лирик шеърларини ўқирканмиз, моҳир рассомнинг ўта нафис натюрморт ва пейзажларини, романтик чизгиларини кўргандай бўламиз. Бу манзаралар бир қарашда шоирнинг ўзи севиб таржима қилган япон хокку ва танкаларидаги ҳолатларни ҳам эсга солади. Аммо шакл ва руҳ ўзига хос: шоир шабнамдай силқиб турган туйғуни мисраларга шодадай тизаркан, лирик қаҳрамон ботинидаги нозик драматизмни сезиб турасиз.

Чақмоқ чақнар ногоҳ далада...
Чиқиб кетгинг келар боғларга
Узоқ бемор ётган боладай.

Тиниқлашар ҳаво ва олам,
Мен дунёда яшаяпман, деб
Қувонасан мана шундай дам.

Шундай дамда қудратга тўлиб
Митти майса қалдини тиклар
Осмон билан сўзлашмоқ бўлиб.

Яна ўша таниш тимсол — митти майса... У маҳдуд дунё ичида бўғилган одамдай ёлғиз. Ногоҳ чақнаган чақмоқ майсанинг ҳам, одамнинг ҳам эътиборини юксак само сари тортади. Оёқости бўлиб боши эгилган майса туйқус танасида бемисл куч-қудрат сезади — у энди нақ Осмон билан сўзлашмоқчи. Тор муҳитда нафаси қисилган одам ҳам энди Абадиятга сўз отади.

Шоир сўзни қушга ўхшатади. Агар шоир бўлсанг, кўксингда ин қуриб, унга юрак қонингдан ичир, дейди. *Шеър — учаётган қушга ўхшайди, қуёшни ичади у учиб-учиб, шеърнинг тўрт сатри — қафас бўлмоғи, осмон бўлмоғи мумкин сўз учун.* Мана, ҳақиқий шоир билан қофиябознинг фарқи нимада билинар экан: истеъдодсиз "шоир" шеърни тўтиқушдай қафасга солса, чин шоир сўзларни турналардай сафга тизиб, шеърга мутлақ озодлик бахшида қилади.

Хуршид Давроннинг шеърлари худди шундай: улар чексиз осмон қаърида парвоз қилиб юрган озод қушларга ўхшайди...

***

Болалик Овози мени чинакам Шоир билан таништирди. Елкасига оғир тўрва илиб олганча, сув кечиб, тоғу тош ошиб, Сўз излаб юрган Шоир билан учраштирди. Гарчи менда ундаги сабот бўлмаса-да, ҳавас ила изидан эргашдим. Юртма-юрт, овулма-овул кезиб, Сўз ахтардик. Тўрвасидан тўкилиб қолган сўзларни териб, унга кўмаклашдим. У дуч келган одамдан Сўз сўрарди. Баъзан дунё шовқинидан безор бўлиб, сукунатга юз тутган донишмандлардан кўҳна ва нодир сўзларни оларкан, Шоирнинг оғир ўйга ботганини кўрдим. Гоҳо эндигина туғилган чақалоқнинг ҳали гард тегмаган сўзини олиб, ҳайратга кўмилганига, ўзига сиғмасдан хурсанд бўлганига гувоҳ бўлдим. Муҳими, йўл-йўлакай мен Шоирдан Сўзни қандай излашни, қандай топишни, қандай асрашни ўргандим. У топган, кафтимга тутқазган тансиқ сўзларни райҳондай ҳидлар эканман, юрагим бепоёнлашаётганини, тиниқлашаётганини сездим.

Энди Болалик Овози мени тарк этмайди. Сўзлар ҳам...

Баъзан йўқотиб қўйган сўзини излаб,
Тошларни кўчириб, кўриб қоламан
Бойчечакни қучоқлаб ётган бўлар Сўз.
Сўзларни барримга босаман,
Гул ҳиди қолади димоғларимда...

Нодир ЖОНУЗОҚ

Олам синоатлари



Одам бошқа жонзотлардан ақли билан фарқ қилади, Парвардигор инсонга ақл бериб, уни улуғ қилиб яратган дейишади. Жонзотдачи, унда ақл бўладими ўзи? Ёки ҳозиргача олимлар уни ақлли, дейиш учун бирор бир асос топишолмаганми? Бундай олиб қаралганда, уларнинг ҳар иккаласи ҳам Яратганнинг қудрати намуналаридир.

Жониворлар ўт ейишади, баъзилари ўт ейдиганларини ейишади.

Она арзандасига чойнакни кўрсатиб: "пиш", иссиқ, куйиб қоласан" деб англатади. Боланинг оёғи бор, юра олмайди, тили бор, гапира олмайди. Бола кейинчалик чойнакнинг иссиқлигини, куйиши мумкинлигини, уни авайлаб асраётган, меҳрини бераётган она-отасидан билиб олади.

"Ақл берилмаган"лар ҳам (*ҳозирча биз шундай атаб турайлик)* ўзидан авлод қолдиради. Жон-жаҳди билан болаларини хавф-хатарлардан ҳимоя қилади. Ўтхўрлар болаларига бўрини кўрсатиб, "эҳтиёт бўл, сени еб қўяди," деёлмайди, лекин қўзичоқ ўз-ўзидан бўрини кўрса, кўрқиб қочади. Сурувда мингта совлиқ бўлишига қарамай, ўз онасини топа олади.

Ақлсизларнинг айримлари ақллиларнинг ақли етмайдиган ишларни ҳам қила олишга қодир. Уларнинг ҳаётига ақлилар аралашмаса, яхшироқ яшаши мумкин.

Ақлсизларнинг жамоаларида ҳам ўзаро кураш бор, кураш мардона — кучлилар ғолиб бўлади! Фисқ-фасод, қитмирлик уларга бегона!

Рус олими Попов қурбақанинг оёғига игна санчганида қимирлаганига, итга овқатни кўрсатганида сўлаги оққанига асосланиб, "рефлекс", "инстект" деган ибораларни яратди. Биз ҳалигача ўша назария атрофида яшаяпмиз шекилли.

Ёш бола чойнакнинг иссиқлигини билмаса, юра олмаса, гапира олмаса-ю, қўзичоқ бўридан қочишни билса, бу нима?! Ақлнинг карамоматими? Шу ўринда қўзичоқ ақлли жонивор, деган фикрга қўшилмаслигингизнинг иложи йўқ! Чунки у атиги бир неча ҳафталик, дейлик бир ойлик бўлсада, хавфни сезди, қочди. Бир ойлик ёки ундан каттароқ болада бундай сезги йўқ-ку?!

Ё, бўлмаса, биз тан олган ақл эгаси — инсон нега арига ўхшаб асал ҳосил қила олмайди?!

Эътироз билдиришга шошилманг!

Ақлсизлар ўз душманларини аниқ билишади. Улардан кўрқишади. Ўзларини ҳимоя қилишга киришади. Ақллилар эса ўзларига ўзлари душманлик қилишади, душманларини дўст, деб юрганлар ҳам оз эмас.

Шундай, ақллилар жамоасида ақлга сиғмайдиган ишлар кўп.

Бири душманимни ўлдираман, деб қилич ясади. Ўзи омон қолдими? Яна бири занжирли портлашни ҳосил қилиб улардан иккитасини, дунёнинг икки шаҳрига ташлаб, ҳозиргача ақллиман, деб юрипти. Яна бирларининг осмонда туриб чумолининг кўзидан урадиган, бутун дунёни вайрон қиладиган қуроллари бор. Ақлингга "тасанно". Ўта тез учадиган тайёра яратишга ақли етганнинг бир бош буғдой ясашга иқтидори етмайди. Аммо, дунёни ағдар-тунтар қилишга қодир.

Қишга емиш тайёрлаш кўйида тинмай меҳнат қилаётган чумолига, совуқда қолмаслик учун иссиқ жойларга учаётган қушларга, сувда юриб гуруч, чўлда буғдой экаётганларга, муҳташам бинолар қураётганларга, ҳар хил қуроллар кўтариб юрганларга, ўзи тушунмайдиган нарсаларни бошқаларга тушунтиришга ҳаракат қилаётганларга, бутун дунёга эгалик қилиб олиб, бошқалар яратган нарсаларни тақсимлаб, ўндан бирини бериб, мен сенга яхшилик ва меҳрибончилик қилаяпман деяётганларни кўрганимда ўйланиб қоламан: Муаммо ақлдами ёки бошқа бирон сабаблари ҳам бормикан?!

Бири кам дунё, деганлари шу бўлса керак-да-а?!

Суюн ДАБУСИЙ

Коинот, инсон ва ҳаёт

ЕРНИНГ МАНЗИЛИ

Планетамизнинг чексиз Коинотдаги ўрни ва унинг пайдо бўлиши, тузилиши ва бойликлари билан қизиқмаган одам бўлмаса керак. Планета бўйлаб сайр қилмоқчи бўлган киши учун унинг мамлакатлари ва ундаги шаҳарларни билиш қанчалик зарур бўлса, Коинот бўйлаб «сайр» қилмоқчи бўлган киши учун ҳам унинг тузилиши, рельефи, эҳтимол тутилаётган сув заҳиралари, ўрмон ва табиий бойликлари, атмосфераси ва улар орасидаги боғланишлардан хабардор бўлиш шунчалик муҳим.

Бизнинг планетамиз — Ер осмонда тунда чарақлайдиган минглаб юлдузларнинг вакили ҳисобланмиш Қуёш атрофида, ундан ўртача 150 миллион километрли масофада айланади. Айланиш тезлиги секундига қарийб 30 километрни ташкил қилади ва бир йилда салкам бир миллиард километрга яқин йўлни босиб ўтиб, Қуёш атрофида бир марта тўла айланишни ҳосил этади. Бу ҳаракат деярли ўзгармас тезликда кузатилганидан биз уни сезмаймиз. Ер ўқининг Қуёш атрофида планетамизни айланиш текислигига оғмалиги туфайли йил фаслларининг кузатилиши, юлдузлар осмонининг йил давомида ўзгариб туриши каби ҳодисаларда бу ҳаракат яққол сезилади. Қуёш атрофида Ерга ўхшаган яна саккиз йирик осмон жисми — сайёралар айланади. Қуёш системасининг чегараси сифатида унинг чекка планетаси — Плутон орбитасининг диаметри олинган. Қуёшдан Плутонгача бўлган ўртача масофа 38 астрономик ҳисоб бўлиб (астрономияда Қуёш системаси чегараларидаги осмон жисмлари оралиғидаги масофалар астрономик бирлик дейилувчи ҳисобларда ўлчаниб, у Қуёшдан Ергача бўлган ўртача масофага, яъни 150 миллион километрга тенг деб қабул қилинади), бу тахминан 5 миллиард 700 миллион километрли масофани ташкил этади.

Қуёшнинг ўзи ўртача катталикдаги юлдуз бўлиб, унинг диаметри 1 миллион 400 минг километр. Хусусан, Қуёшнинг улканлигини кўз олдимизга яққол келтириш учун шундай мисол кифоя: Қуёшнинг ҳажмига 1 миллион 300 мингдан ортиқ Ердек катталикдаги шарларни жойлаш мумкин (Ернинг экваториал диаметри 6370 километрдир).

Коинотда Қуёшга ўхшаган юлдузларнинг минг-миллионлаби ҳар-ҳар жойда тўда бўлиб жойлашади ва бўшлиқ «Океани»даги бундай юлдузларнинг «ороллари» — Галактикалар деб юритилади. Хусусан, бизнинг Қуёш ҳам оддий юлдуз сифатида шундай Галактикаларнинг биридир. Осмонда порлаётган минглаб юлдузларни ҳам Қуёш билан бирга ўз ичига олган бундай галактика — бизникидир. Қизиғи шундаки, маълум Галактикага кирган юлдузларнинг жами унинг марказидаги жуда катта массага эга бўлган ядро атрофида айланади. Бундай айланиш Галактиканинг қутбий диаметри вақт ўтган сайин сиқилишига, экваториал диаметри эса аксинча, кенгайишига олиб келади. Бинобарин, кўпинча Галактикалар ўз ривожланиш босқичининг маълум босқичида ясси дискка ўхшаш кўринишни олишга интиладилар. Галактикага кирувчи алоҳида юлдузларнинг орасидаги масофалар ҳам етарлича катта бўлиб, улар ёруғлик йили дейилувчи, узунликнинг бошқа бир ўлчов бирлигида белгиланади. Бир ёруғлик йили, тезлиги секундига 300 минг километр бўлган ёруғликнинг бир йилда ўтган йўлига тенг масофа бўлиб, у қарийб 10 триллион километрга (1 триллион — миллионта миллион демакдир) тенг бўлади. Бу бирликда Қуёшдаги энг яқин масофада турган юлдузгача (юлдуз Центавр юлдуз туркумининг альфаси — энг ёруғ юлдузи бўлиб, унинг номи — Проксима) ўлчанган салкам 4,5 ёруғлик йилини ташкил қилади, бошқача айтганда, у юлдуздан чиққан нур Қуёшгача (ёки Қуёш системасигача) 4,5 йилда етиб келади, демакдир.

Шунингдек, биздан кўпчиликка таниш «Етти қароқчи» юлдуз туркумидаги юлдузларгача бўлган масофалар турлича бўлиб, улар 72 дан 412 ёруғлик йилигача масофаларни ташкил қилади. Хулоса қилиб айтганда, бизнинг Галактикамизга кирган юлдузларнинг Қуёш системасидан узоқлиги бир неча ёруғлик йилидан бир неча ўн минг ёруғлик йилигача боради. Бу деган сўз, Галактикамиз чегарасида турган энг узоқ юлдузлардан бизгача ёруғлик бир неча минг йилда етиб келади, демакдир.

Юқорида эслатилганидек, бу юлдузлар галактик марказининг атрофида айланиб турганлари учун ҳам, яъни фан тилида айтганда, улар динамик боғланганликлари туфайли миллионлаб йиллар давомида турғун система кўринишида яшайдилар.

Хўш, унда бизнинг Қуёш Галактикамиз марказидан қанча масофада, қандай тезлик билан айланади? Эслатилганидек, Галактикаларнинг айланиши туфайли вақт ўтиши билан уларнинг экваториал диаметри оддий диск формасига интилиши қонуний ҳол бўлиб, бундай «тақдир» бизнинг галактикамизнинг ҳам «пешонасига ёзилган». Галактикамиз эволюциясининг ҳозирги босқичида унинг формаси, икки тарелканинг ички томонлари билан бир-бирига ёпилганда, қандай кўриниш олса худди шундай шаклдадир. Унга уст томондан қаралганда эса у қўл соати маятнигининг спирал пружинаси кўринишига жуда ўхшаб кетади.

Бундай спирал диск кўринишидаги галактикамизнинг диаметри 100 минг ёруғлик йилига тенг чиқади. Унинг марказидан Қуёшгача бўлган масофа тахминан 30 минг ёруғлик йилига тенг бўлиб, бундай масофада Қуёш, Галактикамиз маркази атрофида бутун «оила аъзолари» — планеталарини эргаштириб секундига 240 километр тезлик билан айланади. Бундай тезлик билан Қуёш системаси, эслатилган марказ атрофида бир марта айланиб чиқиши учун қарийб 200 миллион йил вақт керак бўлади.



Қуёшнинг аниқланган ёши 4,8 миллиард йил эканлигини эътиборга олсак, у марказ атрофида Қуёш «чақалоқлигидан» буён 24 марта гина айлангани маълум бўлади.

Қуёшнинг бундай орбита бўйлаб бир айланиб чиққанда ўтган йўлини биз иш кўрадиган масофалар билан солиштирганда, у жуда катта кўрсаткич — салкам 190 минг ёруғлик йилини ташкил этади.

Шундай қилиб, қарийб 150 миллиард юлдузи бўлган ва Қуёшни ҳам ўз ичига олган Коинотдаги юлдузлар «ороли» — Галактикамизнинг бир бурчагида — Қуёшнинг атрофида бизнинг планетамиз ҳам айланиб туради.

Коинотда галактикамизга ўхшаган миллиардлаб юлдузлардан ташкил топган ороллар — галактикалар жуда кўп. Улар жуда олис масофаларда жойлашган ва улардаги юлдузлар алоҳида-алоҳида кўринмай, балки барчаси йиғилиб туман шаклида кўзга ташланади. Шундай ташқи галактикалар ичида машҳурларидан бири, телескопдан қараганда, соат маятнигининг спирал пружинасига жуда ўхшаб кетадиган галактика — Андромедадир. — Ундан ёруғлик бизгача 2 миллион йилда етиб келади.

Андромедадан бизга анча яқин турадиган икки ташқи галактика — Катта ва Кичик Магеллан булутлари дейилиб, бизнинг Галактикамиздан қарийб 170-200 минг ёруғлик йили масофада жойлашган. Бошқа бир чиройли спиралсимон М-51 деб аталувчи галактика эса биздан 1,8 миллион ёруғлик йили масофада жойлашган. Ҳозирги замоннинг йирик телескопларидаги кузатишлар Коинотнинг биздан қарийб 5 миллиард ёруғлик йили масофадаги объектларини нишонга ола олади. Улар ёрдамида Галактикани кузатиш осмон жисмларига тегишли яна бир қизиқ қонуниятни очди. Маълум бўлишича, бир-бирига яқин жойлашган бир неча Галактикалар ўзаро динамик боғланиб, уларнинг ҳар бири умумий масса маркази атрофида айланар экан. Галактикаларнинг бундай тўдаси — маҳаллий галактик тўдаси дейилади. Кейинги йилларда Коинотда, шунингдек бир неча маҳаллий галактик тўдаларнинг ҳам группаси мавжудлиги аниқланди. Улкан масштабга ўзаро динамик боғланиб, маҳаллий галактик тўдаларнинг тўплами астрономияда утагалактикалар деб номланади. Бизнинг маҳаллий тўдамизга ўзимизнинг Галактикадан ташқари, Магеллан булутлари, Андромеда, М-51, Катта Айиқ юлдуз туркуми проекцияланувчи спиралсимон яна бир галактика ва бошқалар киради.

Шундай қилиб, Коинотда бизнинг тўла адресимизни ёзиш талаб этилса, уни қуйидаги тартиб билан ёзиш тўғри бўлади: Коинот, Метагалактика (Коинотнинг ҳозирги даврда телескоплар ёрдами билан кўриш мумкин бўлган қисми), Утагалактикамиз (бизнинг маҳаллий галактик тўдамиз шу системадан жой олади), маҳаллий галактик тўдамиз (галактикамизни ўз ичига олади), бизнинг галактикамиз, Қуёш системаси, планетамиз — Ер, Осиё қитъаси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент...

(Давоми бор.)

М.МАМАДАЗИМОВ,
профессор

Реклама ўрнида

ASAKA BANK

Банк сармояси — тараққиёт пиллапояси

Пластмасса буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган масъулияти чекланган «Element cristal» жамиятимиз Марғилон шаҳрида фаолият олиб боради. Ўтган йили ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, полиэтилен грануласидан пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқариб, ички бозорни арзон, қулай ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш мақсадида хомашё сотиб олиш учун кредит сўраб "Асака" банкнинг Марғилон филиалига ариза билан мурожаат қилдик. Банк ходимлари сўровимизни қисқа муддатда кўриб чиқиб, Республикамиз Президентининг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида имтиёзли шартларда кредит маблағлари ажратиб беришни жоиз билди. Ўшанда жамиятимиз аъзоларининг қувончини кўрсангиз эди...

Кўп ўтмай жамиятимизда тўхтовсиз иш жараёни вужудга келди ва ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлашимиз учун етарли имкон туғилди. Пировардида, банк сармояси ҳисобига қўшимча 12 турда пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. 2011 йил давомида 1,5 миллиард сўмдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқариб, аҳолига пешма-пеш етказиб бердик. Ҳатто унинг бир қисмини экспорт қилишга ҳам эришдик. Мана, нима учун банкларни иқтисодиётнинг қон томирлари, улар берган сармояни эса тараққиёт пиллапояларига менгзашади.

Жамиятимизда илгари 20 нафар киши фаолият кўрсатиб келган бўлса, сармоя ҳисобига ишлаб чиқаришни кенгайтириш натижасида қўшимча 17 та янги иш ўрни ҳам яратилди. Бу — қўшимча ўн етти хонадоннинг моддий манфаатдорлиги ошиб, турмуш фаровонлиги яхшиланди дегани ҳамдир.

Келажакдаги режаларимизнинг амалга оширишда банкимиз бизни ҳам яна молиявий қўллаб-қувватлашига ишонамиз. Мақсадимиз — янги турдаги маҳсулот турларини ишлаб чиқариб, фаолиятимизни янада кенгайтириш. Бу йўлда банк сармояси тараққиётимиз ривожи учун пиллапоя бўлиб хизмат қилади, албатта.

Жасур СОБИРОВ,
«Element Cristal" МЧЖ раҳбари

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
hurriyat@doda.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:

Назира АБДУАЗИЗОВА
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ғулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 **Тел-факс:** 233-36-02.

Вилоят мухбирлари:

Бухоро — 8-365-592-85-02,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — 8-373-215-80-58,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: **Иномжон АБДИЕВ**

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 21 40

Адади: 12518 Буюртма — Г-155 1 2 3 4 5